

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 657**

**НАЗАРОВ ХУРСАНДМУРОД ҲАҚҚУЛ ЎҒЛИ**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР,  
БОШҚАРУВ ҲИСОБОТЛАРИ ВА СТАТИСТИК ҲИСОБОТЛАРНИ  
УЙҒУНЛАШТИРИШ**

**5A230901-Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)  
магистр даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доцент О.А.Машарипов**

**Тошкент-2015**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>I боб. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари.</b> .....	<b>6</b>
1.1. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларнинг мазмуни ва аҳамияти .....	6
1.2. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари .....	15
<b>I боб бўйича хулоса</b> .....	<b>20</b>
<b>II боб. Фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботлар тузишнинг ташкилий-услугий жиҳатлари.</b> .....	<b>21</b>
2.1. Молиявий ва статистик ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услугий таъминоти. ....	21
2.2. Молиявий ва статистик ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этишнинг ташкилий-услугий жиҳатлари. ....	26
2.3. Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларини тузишнинг ҳозирги ҳолати ва зарурлиги .....	33
<b>II боб бўйича хулоса</b> .....	<b>42</b>
<b>III боб. Фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни уйғунлаштириш</b> .....	<b>43</b>
3.1. Фермер хўжаликларида ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услугий жиҳатларини такомиллаштириш .....	43
3.2. Фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларини уйғунлаштириш масалалари .....	57
<b>III боб бўйича хулоса</b> .....	<b>63</b>
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	<b>64</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>67</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги** қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ҳисоб ахборотларига бўлган талабнинг ортиши молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботлар учун ишончли ахборотлар шакллантиришни, уларни тузиш услубларини такомиллаштириш ҳамда ўзаро уйғунлаштириш асосида ахборот имкониятларини яхшилашни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Бугунги кунда иқтисодиётда амал қилиб турган ҳисобот олишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи фавқулудда долзарб бўлиб турибди. Бу айниқса қишлоқ хўжалиги учун муҳимдир»<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган эдилар. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд, яъни: «Солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиняпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас»<sup>2</sup>.

Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузиш услубларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – ҳисобот шакллари такомиллаштириш, уларнинг ахборот имкониятларини янада ошириш ва ўзаро уйғунлигини таъминлашдан иборат. Бу эса фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқариш учун ишончли ахборотлар билан таъминлаш имкониятларини оширади. Шу нуқтаи назардан, танланган мавзу шубҳасиз долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси** молиявий ҳисобот концепциясини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, молиявий, статистик ва бошқарув ҳисоботлари ахборотларини шакллантиришнинг асосий тамойилларини талқин қилиш, ҳисобот шакллари моделлаштириш, молиявий ва бошқарув ахборотларини мувофиқлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д., Безруких П.С., Камышанов П.И., Николаева О., Палий В.Ф., Соколов Я.В., ларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Аммо, уларнинг

<sup>1</sup> **Каримов И.А.** Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 309.

<sup>2</sup> **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 30.

<sup>3</sup> **Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д.** Принципы бухгалтерского учёта. – М.: Финансы и статистика, 1994. – 496 с.; **Безруких П.С.** Бухгалтерский учет. – М.: Бухгалтерский учет, 2000. – 576 с.; **Камышанов П.И., Камышанов А.П., Камышанов Л.И.** Практическое пособие по бухгалтерскому учету. – М.: Элиста АПП «Джангар», 2001. – 560 с.; **Николаева О.** Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: УРСС,

илмий ишлари асосан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS, IFRS), умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби принциплари (GAAP) ва хорижий давлатларнинг миллий стандартларига хос бўлган молиявий ҳисобот тузиш ҳамда консолидациялаш масалаларига бағишланган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдукаримов И.Т., Бобожонов О.Ў., Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ибрагимов А.К., Қўзиев И.Н, Пардаев М.К., Гадоев Э.Ф., Дўсмуратов Р.Д., Каримов А.А., Маматов З.Т., Сотиболдиев А.С., Ҳошимов Б., Насретдинов С.С., Тўлахўжаева М.М., Худойбердиев А.Х., лар молиявий ҳисобот тузиш услублари ва унинг ахборот таъминотини назарий ҳамда методологик жиҳатларини тадқиқ этганлар <sup>4</sup>. Бироқ, ушбу ишларда молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузиш услублари ва ахборот таъминоти, ташкилий-услубий жиҳатлари, улар ўртасидаги услубий уйғунлик масалалари комплекс тарзда етарлича ёритилмаган.

**Тадқиқот мақсади** бўлиб фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалар:**

- фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузиш бўйича меъёрий ва ташкилий-услубий таъминотнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш;
- фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни тузишнинг услубий жиҳатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларини тузишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва аҳамиятини асослаш;

---

2001.– 354 с.; **Палий В.Ф., Палий В.В.** Финансовый учет. Учебное пособие. –М.: ИДФБК – ПРЕСС, 2001. –672 с.; **Соколов Я.В.** Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2000.–496 с.;

<sup>4</sup>**Абдукаримов И.Т.** Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999. – 320 б.; **Бобожонов О., Жуманиёзов К.** Молиявий ҳисоб. – Т.: «Молия», 2002. – 672 б.; **Ваҳобов А., Иброҳимов А.** Молиявий таҳлил. – Т.: «Шарқ», 2002. – 310 б.; **Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н.** Молиявий ва бошқарув ҳисоби. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. – 443 б.; **Пардаев М.К.** Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 2003. – 256 б.; **Гадоев Э.Ф., Ҳасанов Н., Югай Л.П.** Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1996. – 249 б.; **Дўсмуратов Р.Д.** Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2007. – 351 б.; **Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А.** Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. – 592 б.; **Маматов З.Т.** Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2005. – 34 б.; **Сотиболдиев А.С., Иткин Ю.М.** Замонавий бухгалтерия ҳисоби. – Т.: 2002. 1, 2, 3-том. – 505 б.; **Ҳошимов Б.** Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 279 б.; **Насретдинов С.С.** Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари: и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004. – 22 б.; **Тўлахўжаева М.М.** Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1996. – 193 б.; **Худайбердиев А.Х.** Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004. – 22 б.

- фермер хўжаликларида статистик ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услубий жиҳатларини ва ахборот имкониятларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни уйғунлаштириш бўйича услубий тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқот объекти бўлиб** Тошкент вилояти Қибрай, Зангиота ва Оққўрғон туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети бўлиб** молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузиш билан боғлиқ назарий, ташкилий-услубий ва амалий масалалари мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқот услубияти ва усуллари:** тизимли ёндашув қўлланилади, шунингдек, монографик, абстракт-мантиқий, таққослаш, иқтисодий-статистик ва бошқа иқтисодий тадқиқот усулларидадан фойдаланилади.

**Илмий янгилиги:** фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузиш бўйича меъерий ва ташкилий-услубий таъминотнинг ҳозирги ҳолатини баҳолади ва таклифлар тайёрланди; фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни тузишнинг услубий жиҳатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди; фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларини тузишнинг ҳозирги ҳолати баҳолади ва тегишли хулосалар шакллантирилди; фермер хўжаликларида статистик ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услубий жиҳатларини ва ахборот имкониятларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди; фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни уйғунлаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Амалий аҳамияти мамлакатимиз фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни ташкил этиш ва юритиш ҳамда ўқув жараёнида қўлланилишидан иборат.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликларида ҳисобот шаклларида методологик ҳал қилишда жорий этилиши мумкинлиги ва 3 та маъруза тезисининг мавжудлиги.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 73 бетни, унда 2 жадвал, 5 та расм мавжуд.

## **I боб. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларнинг мазмуни аҳамияти ва уни тузишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

### **1.1. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларнинг мазмуни ва аҳамияти**

Корхонанинг жорий фаолияти маъмурият томонидан бошқарув функцияларини сафарбар қилиш йўли билан амалга оширилиб, унинг натижалари бухгалтерия ҳисоби тизимида акс эттирилади. Хўжалик юритувчи субъект томонидан маълум вақт оралиғида амалга оширилган хўжалик муомалалари тўғрисидаги ахборотлар тегишли ҳисоб регистрларида умумлаштирилади ва гуруҳланган ҳолда улардан бухгалтерия ҳисоботларига ўтказилади. Бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш тизимида ҳисобот корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳамда молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг ягона тизими сифатида қаралади. Ҳисоботлар маълум ҳисобот даври учун белгиланган шакллар бўйича тайёрланган бухгалтерия ҳисоби ахборотлари асосида тузилади. Ўз навбатида ҳисобот даври – бу корхона молиявий ҳисоботни тузиши лозим бўлган давр.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календар йил деб белгиланган. Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун улар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган санадан бошлаб, юридик шахс ҳисобланмайдиган субъектлар учун эса улар тегишли давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб, ўша йилнинг 31 декабригача бўлган давр биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланиши белгиланган.

Агар хўжалик юритувчи субъект жорий йилнинг 1 октябридан кейин рўйхатга олинган бўлса, унинг учун биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказгунгача амалга оширилган хўжалик муомалалари тўғрисидаги маълумотлар унинг биринчи йилдаги ҳисоботида киритилади.


Ҳисоб ахборотларини умумлаштиришнинг бундай тартиби аввало корхонанинг ўзи учун зарур ва муайян корхона молия-хўжалик фаолиятини аниқлаштириш ҳамда айрим ҳолларда унга тузатиш киритиш билан боғлиқ.

Шунинг учун бухгалтерия ҳисоботининг мазмуни ахборотдан фойдаланувчиларнинг мулклар, молиявий аҳвол, фойда ва зарарлар аҳволи тўғрисидаги маълумотларни баҳолашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, исталган фактларни очиб бериши лозим. Бундай ахборотлардан фойдаланувчилар раҳбарлар, таъсисчилар, иштирокчилар ва корхона мулкчининг эгалари ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти, мулкый аҳволи ва молиявий барқарорлик даражаси тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни капитал қўйишдан манфаатдор бўлган инвесторлар учун қизиқиш уйғотади.(1.1-расм.)

### Ҳисобот турлари иқтисодий мазмуни ва ҳисобот кўрсаткичларини олиш манбаига кўра

1.1-расм.



« **Бухгалтерия (молиявий) ҳисобот**–бу ҳисобот даври учун корхона фаолиятининг натижалари, тегишли тарзда тасдиқланган шаклларда тақдим этиладиган, ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тўплами.<sup>5</sup>»

«**Статистик ҳисобот эса** – бу кўрсаткичлар номи, маълумотларни тўлдириш учун жой, мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри реквизитларини ўз ичига олган, респондент томонидан бирламчи ҳисоб ва бухгалтерия хужжатларини умумлаштириш асосида тўлдириладиган, белгиланган тартибда тасдиқланган давлат статистика кузатуви шаклидир.<sup>6</sup>»

Бухгалтерия ва статистик ҳисобот аввалги хўжалик юритиш тизимида битта давлат ҳисоботи деб қаралар эди. Улар асосан юқори ташкилотларга молия органига, банк муассасига, статистик органига топширилар эди. Бундай шароитда бухгалтерия ҳисоботи ва статистик ҳисоботи ўртасидаги фарқ сезилмас эди.

Аммо улар ўртасидаги энг муҳим фарқ кўрсаткичлар мазмунида ва тегишли ҳисобот шаклларини тузиш усулидадир. Статистик ҳисоботи, оператив-техник, статистик ва бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари асосида тузилса, бухгалтерия ҳисоботи эса асосан хўжаликлар билан тасдиқланадиган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари асосида тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботида асосан умумий курсаткичлар, масалан, корхона маблағлари, баланс фойдаси ва ҳ.к. Статистика ҳисоботида эса, абсолют миқдорлар билан бирга нисбий ва ўрта миқдорларҳақида маълумотлар

<sup>5</sup>Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2007. – 351 б.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарорига ИЛОВАЭлектрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом

берилади. Масалан, фоизларнинг ўсиш даражаси, ўртача даража у ёки бу кўрсаткичларнинг ўсиш ёки пасайиш динамикаси ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисоботи хўжалик фаолияти ҳақидаги асосий таъминот манбаидир. У биринчидан, корхонанинг ўзига керакдир. Иккинчидан – корхонада ишламайдиган шахсларга (акциядорлик жаъмиятларида) яъни ўз маблағини улуш сифатида қўйган акциядорлар ва бошқа кредиторларга керак. Учинчидан ҳисобот давлатнинг солиқ ва бошқа органларига керак.


Бухгалтерия ҳисоботи турли молия ва тижорат тузилмалари учун керак. Улар кимматли қоғозларни олди-сотдисини олиб борадилар, яъни бундай биржалар, банклар ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисоботи, аввалом бор корхона мулки таркибини ҳамда корхона молия натижаларини характерлайди. Ундан ташқари бу ҳисоботда бошқа корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, молия органлари ва банк муассасалари билан бўладиган ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Ҳисобот маълумотларини мана шундай тўлиқ берилиши шу билан характерланадики корхона мустақил иқтисодий объект деб қаралади.

Статистика ҳисоботи ўз олдида харажатлар жараёни устидан умумий назоратни амалга оширишни мўлжаллайди. Статистика айрим олинган корхонага мустақил объект эмас, балки бутун халқ хужалигининг бир қисми деб қарайди. Статистика ҳисоботи худуд, тармоқ бўлса, маълум бир кўрсаткичларни бажарилишини назорат қилиб, улар тўғрисида маълумот беради. Шунга қараб, статистика ҳисоботи шаклланиб боради.(1.2-расм.)

### Статистик ҳисобот турлари

1.2-расм.



Умумдавлат ҳисоботи Молия вазирлиги ва Давлат Статистика қўмитаси томонидан белгиланган шакл ва тартибда тузилади ва тегишли органларга ўз вақтида топширилиши лозим бўлади.

Корхона ичидаги ҳисобот эса қисқа бўлиб, шу корхона ичида фойдаланилади. Масалан, кассир ҳисоботи, моддий жавобгар шахс ҳисоботи ва маълум бир ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш

режаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот. Бу ҳисоботлар корхона раҳбари, бош бухгалтер белгилаган муддатда тегишли бўлимларга, яъни бошқарув бўлимига асосан бухгалтерия бўлимига топширилиши лозим.

Ташқи истеъмолчилар учун мўлжалланган ва молиявий ҳисоб маълумотлари манбасида ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисоботдан фарқ қилган ҳолда сегментар ҳисобот (бошқарув ҳисоботи) ички истеъмолчилар учун мўлжалланади ва махфий ҳисобланади. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади, бухгалтерия ёзувлари мазмуни билан танишишга фақат раҳбарият рухсати билан ёки қонунчиликда рухсат этилган ҳолларда қўйилади. Бошқарув ҳисобида мустақил ишлаб чиқилган ёки марказлаштирилган ҳолда тасдиқланган бошқарув ҳисоботларини тузиш мумкин. Бу ҳисобот шакллари аънавий журнал-ордер шаклини қўлламайдиган корхоналар (кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини қўллаётган корхоналар, бухгалтерия ҳисобини компьютерда махсус ишлаб чиқилган жадвалларда олиб бораётган корхоналар), шунингдек, ҳисобнинг журнал-ордер шаклини қўллашга мослаштирилган корхоналар ҳам (аналитик ҳисоб шаклларига ўзгартириш киритиш йўли билан, масалан, янги қўшимча қатор ва устунлар қўшиш орқали, аммо мавжуд ҳисоб тизимини бузмасдан зарур маълумотлар олиш учун мувофиқлаштирилади) юритишлари мумкин.

Бошқарув ҳисоботининг стандарт (минимал) тўпламига асос бўладиган қуйидаги муҳим шакллари келтириш мумкин:

- материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари тўғрисида ҳисобот;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисида ҳисобот;
- харид қилинган қийматликлар тўғрисида ҳисобот;
- тайёр маҳсулот захиралари тўғрисидаги ҳисобот;
- сотишлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида ҳисобот;
- йиғма ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг афзаллик томони молиявий ҳолатни, корхона фаолияти натижаларини таҳлил этишда ахборот манбаси сифатида қўлланилишида намоён бўлса, сегментар ҳисобот маълумотлари эса бизнеснинг ҳар бир сегменти иш сифатини баҳолаш имконини беради.

Молиявий ҳисобот хўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи

бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, корхона имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига биноан молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

- инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;
- субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;
- субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

Юқорида айтиб ўтилган ахборотлардан ташқари, молиявий ҳисоботда батафсилроқ маълумотлар ҳам берилади. 1-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига асосан, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини тахмин қилишга ёрдам берадиган, корхонанинг мулки ва ихтиёридаги ресурслари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- корхонанинг назорати остида бўлган активлар ҳақида;
- корхонанинг пассивлари ҳақида;
- корхонанинг тақсимланмаган даромади, корхонанинг бир даврдан бошқа даврга ўтишдаги иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар ҳақида;
- пул маблағларининг ҳаракати ҳақида.

Ушбу маълумот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун корхонанинг дивидендларни ва фоизларни тўлаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддатикелган тўловларни тўлаш имкониятини баҳолашда фойдали бўлади.

Молиявий ҳисоботни тузиш ва эълон қилиш тамойили бухгалтерия ҳисоби услубиятининг асоси ҳисобланган муҳим тамойиллардан биридир. Ҳисоботнинг аҳамияти – унинг: ишончлилиги, ўз вақтидалиги, текширилувчанлиги, тежамлилиги эълон қилиниши, тўлиқлиги, оддийлиги, таққосланувчанлиги, қатъий белгиланган тартибда расмийлаштирилиши.

Статистик ҳисоботни тузиш ва эълон қилиш тамойили молиявий ҳисоботнинг тамойилидан жуда катта фарқ қилмаган ҳолда қуйидагилардан иборат: ишонччилик, холислик, беғаразлик, долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик, қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик.

Бошқарув ҳисоботларида эса мамлакатимиз ва МДХ ҳисоб амалиётида ривожланган давлатлар сингари тажрибанинг мавжуд эмаслигини ҳисобга

олган ҳолда, сегментар ҳисобот тузишнинг баъзи тамойилларини кўриб чиқиш зарур:

- сегментар ҳисобот аниқ манзилли, ишончли, тушунарли, муҳимлик каби хусусиятларни ўзида акс эттириши ҳамда асосан харажатлар, даромадлар, маҳсулот сотиш ҳажмини ҳисобга олишга йўналтирилган бўлиши лозим;

- ички ҳисобот тезкорлик, эҳтиёткорлик, таққосланувчанлик хусусиятларига эга бўлиши ҳамда менежернинг режалари, психологияси ва усулини назарда тутиши керак;

- сегментар ҳисобот аҳамиятли, ҳаққоний, холис тақдим этилган бўлиши, изчил ва тугалланган бўлиб, жавобгарлик маркази ишини янада яхшилашга йўналтирилиши лозим;

- сегментар ҳисоботнинг шакллари ва регистрларини тез-тез ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолат уларнинг самарадорлигини пасайтиради;

- бошқарувчига минимал ҳажмдаги ҳамда мураккаб ҳисоб-китобларсиз, тизимлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим;

- ҳисоботнинг бош мақсади корхона жамоасини жипслаштириш, уларнинг салоҳиятларини корхона инвестиция лойиҳалари ва бизнес-режасини амалга оширишга йўналтириши лозим;

- бошқарув сегментар ҳисоботи корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ келиши билан бирга молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари, ҳисоб ва ҳисоботнинг миллий стандартлари, давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий манбага ҳам асосланиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар амалиётида сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли «Сегментлар бўйича ҳисобот» номли халқаро стандарти (БҲХС)га кўра, сегментар ҳисоботда бирламчи акс эттириладиган қуйидаги ҳолатлар назарда тутилиши лозим:

- ташқи мижозлардан олинadиган даромадлар;

- бошқа сегментлар билан бўладиган муомалалардан олинadиган даромадлар;

- активларнинг баланс суммаси;

- сегментларнинг мажбуриятлари;

- асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш харажатлари;

- амортизацияхаражатлари;

- ассоциациялашган компаниялар ёки қўшма корхоналар фаолиятида иштирок этишдан олинган соф фойда ёки зарарлар ва инвестициялар ҳиссаси;

- даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни таққослаш.

Сегмент даромадлари корхона сегментига ёки умумий тушум таркибига бевосита киритилиши мумкин.

Сегмент даромадларига қуйидаги кўрсаткичлар тегишли эмас:

- молиявий қўйилмаларни сотишдан олинган фоизлар, дивидендлар ва даромадлар (бундай даромадлар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳоллар бундан мустасно);

- фавқулодда даромадлар (форс-мажор мажбуриятлар).

Сегмент харажатлари - бу бевосита сегмент таркибига киритилиши мумкин бўлган харажатлар ёки уларни корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлишидир.

Сегмент харажатларига қуйидагилар киритилмайди:

- қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича харажатлар (улар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳол бундан мустасно);

- фойда солиғи;

- фавқулодда харажатлар (форс-мажор мажбуриятлари). Корхонада ички (сегментар) ҳисоботларни бухгалтер бошқарув ҳисобималумотларига асосланиб тузади.

Молиявий ҳисоботни эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасида белгиланган рўйхатдаги корхоналар томонидан амалга оширилади. Уларга очик акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари киради.

Молиявий ҳисоботни эълон қилиш ахборотдан фойдаланувчилар учун маълумот олиш имкони бўлган оммавий ахборот воситаларида ёки тегишли нашрларда, ҳамда қизиқувчиларга тақдим этиш учун корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат статистика органларига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майдан кечикмасдан эълон қилиниши лозим. Йиллик молиявий ҳисобот эълон қилинишидан олдин аудиторлик текширувидан ўтказилиб, ижобий аудиторлик хулосаси олинган ва хўжалик юритувчи субъектнинг бошқарув органи (акциядорларнинг умумий мажлиси, таъсисчилар мажлиси ва ҳ.к.) томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Йиллик молиявий ҳисобот шаклларида бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) эълон қилиниши лозим. Бундай тажриба халқаро амалиётдан келиб чиққан бўлиб, ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга мазкур корхонага капитал қўйиш ва бошқа масалалар бўйича асосли қарорлар қабул қилишга имкон беради. Бухгалтерия баланси

қисқартирилган шаклда эълон қилиниши мумкин ва унинг мазмуни корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қоидаларида кўзда тутилган талаблар доирасида бўлиши лозим. Йиллик молиявий ҳисобот билан бирга аудиторлик хулосаси ҳам эълон қилиниши мумкин. Унинг мазмуни мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисидаги фикр (баҳо) дан иборат.

Ички бухгалтерия ҳисоботлари корxonанинг тижорат сирлари ошкор этилмаслиги учун эълон қилинмайди. Тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ноқонуний олиш ва ошкор этиш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботлари учта асосий мезон бўйича туркумланади:

- ахборотлар ҳажмига кўра;
- тузилиш мақсадига кўра;
- даврийлиги бўйича.

Ҳисоботдаги маълумотлар ҳажмига кўра хусусий ҳисобот ва умумий ҳисоботларга бўлинади.

Хусусий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг битта фаолият бўлимидаги иши тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Умумий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг бутун молия-хўжалик фаолиятини тавсифлайди.

Ҳисоботлар тайинланишига кўра ташқи ва ички ҳисоботларга бўлинади.

Ташқи ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият тавсифи, даромадлилиги мулкӣ ҳамда молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотдан ташқи фойдаланувчи-манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунининг 20-моддасига мувофиқ ташқи йиллик молиявий ҳисобот эълон қилиниши лозим.

Ички ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг ички эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ҳисобот қамраб оладиган даврлар бўйича даврий (жорий) ва йиллик ҳисоботларга бўлинади.

Молиявий ҳисоботда корхона фаолиятдан олинadиган молиявий натижалар, уларнинг иқтисодий тавсифига мувофиқ турлари бўйича гуруҳланиб акс эттирилади. Активлар, пасивлар ва капитал балансида корхона молиявий ҳолатини бевосита баҳолайдиган элементларга киради.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби тизимининг якуний натижаси сифатида хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини ва унинг молиявий

аҳволидаги ўзгаришларни кўрсатади. Бундай ахборотлардан кўплаб истеъмолчилар қуйидаги мақсадларда фойдаланади:

- а) кредитлар бериш бўйича қарорлар қабул қилиш ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун;
- б) субъектнинг келгусидаги пул оқимларини баҳолаш;
- в) субъектнинг ресурслари, мажбуриятлари ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

Бухгалтерия ҳисоботларининг таркиби ва шакллари ҳамда уларни тўлғазиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланади.

Монографик тадқиқот объекти бўлган Қибрай тумани «Азизжон» фермер хўжалигида ҳисоботларнинг корхона мулки таркибини ҳамда корхона молия натижаларини характерлашини кўришимиз мумкин. Шунингдек хўжалик ҳисоботларида бошқа корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, молия органлари ва банк муассасалари билан бўладиган ҳисоб-китоблар тўлиқ акс эттирилган.

## **1.2. Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни тузишнинг меъёрий – ҳуқуқий асослари**

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш учун қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», 1996 йил 30 август;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
- Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
- «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 54-сонли қарори билан тасдиқланган. 1999 йил 5-феврал;

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 2002 йил 12 декабрь, 441–II-сон

- «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида» ги 20-сон БҲМС;

• Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарорига ИЛОВА «Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом»

• “Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” 21-сон БҲМС ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида таъкидланишича бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тартибга солувчи, қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар статистика ҳужжатларини тўлдириш (статистика кўрсаткичлари ҳисоби) учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи 20-сонли БҲМС ва 21-сонли БҲМСда белгиланган ягона услубий асослар ва

тадбирларга мувофиқ ташкил этилади. Бунда бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- мулкларнинг сақланиши ва ҳаракати ҳамда тасдиқланган меъёр ва режаларга асосланган ҳолда моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

- корхонадаги хўжалик жараёнлари ва фаолияти натижалари ҳамда бошқариш учун таъсисчилар, инвесторлар, харидорлар, кредиторлар, банк ва солиқ органлари фойдаланишлари зарур бўлган тўла ва аниқ ахборотлар тайёрлаш.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 7- моддасида таъкидланганки, «корхона раҳбари ҳисоб ва ҳисоботнинг ички хўжалик тизимини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартибини, ташқи истеъмолчилар учун молиявий ҳисоботни, солиқлар ва молиявий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ва ҳоказоларни ташкил этишга мажбур<sup>7</sup>».

Ташқи истеъмолчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474- сон билан рўйхатга олинган «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикасининг 1- сонли БҲМС билан тартибга солинади. Ушбу стандартнинг 96- бандида қуйидагилар таъкидланади: «фойдаланувчи учун ҳисоб сиёсатини ёритишнинг ўзига хос устуворлиги кўрилганда раҳбарлар хўжалик юритувчи субъектнинг таваккалчилигига ва пул оқимининг келажагини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак»<sup>8</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатларда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Сегментлар бўйича ҳисоботни жавобгарлик марказлари бўйича шакллантирилган ҳисобот сифатида таърифлаш мумкин. Сегментлар (жавобгарлик марказлари) бўйича ҳисобни ташкил этиш зарурати муносабати билан бошқарув ҳисобида уларнинг чегараларини қуйидаги мезонларга мувофиқ белгилаш лозим:

- мустақил сегмент ҳисоботлари қандай кўринишда бўлиши лозим (яъни, сегментар ҳисобот бирликларини ажратиш мезони);
- сегментлараро ўзаро ҳисоб-китобларда баҳони шакллантиришнинг қайси усули қўлланилиши зарур;
- даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни сегментларга тақсимлаш учун қандай асос мавжуд бўлади.

<sup>7</sup>«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

<sup>8</sup>1-сонли БҲМС МВ томонидан 1998 йил 25 августдаги 43-сонли буйруғи.

Мустақил сегмент ҳисоботи шаклланиши шарт-шароитлари сифатида ҳар бир хўжалик ва географик сегментнинг ички ҳисоботларидан фойдаланиш лозим. Бозор муносабатлари шароитида корхона сегментлари ўртасида ички ҳисоб-китоб нархларини ўрнатиш, яъни трансферт баҳо ҳосил бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда битта жавобгарлик маркази ўз маҳсулоти ёки хизматларини бошқа жавобгарлик марказига узатади, натижада бўлинмалар ўртасида ўсиб боровчи тартибдаги баҳолар юзага келади.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хўжалик раҳбари зиммасига юклатилади. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби мустақил ҳисоб бўлими томонидан амалга оширилиб, уни бош бухгалтер бошқаради. Агар фермер хўжалигида ҳисоб бўлими ёки бухгалтер бўлмаса, бухгалтерия ҳисобини махсус ташкилот ёки мутахасислар шартнома асосида юритишлари мумкин.

Фермер хўжаликларида барча хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун тасдиқланган тармоқлараро ва тармоқ ҳужжатларининг шакллари қўланилиши мумкин.

Бу ҳужжат шаклларида қуйидаги зарур реквезитлар бўлиши шарт: ҳужжат номи, рақами ва тузилган санаси, хўжалик муомаласининг мазмуни, хўжалик муомаласининг ўлчови (микдор ва қиймат ўлчовларида), хўжалик муомаласи содир бўлиши ва уларни тўғри расмийлаштиришга масъул шахслар исми-шарифи, имзолар ва муҳр.

Бухгалтер ходимлар хўжалик муомалаларини расмийлаштиришда бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг айланиш тартибига риоя қилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлардаги маълумотлар ҳисоб регистрларида қайд этилиб, умумлаштирилиши ва тизим қилиниши ҳамда уларга асосан бухгалтерия ҳисоботлари тузилиши керак.

Хўжалик муомалалари кам бўладиган фермер хўжаликларига ҳисобнинг соддалаштирилган шаклини қўллаш тавсия этилади.

Бунинг учун амалдаги счётлар режаси асосида қисқартирилган (ишчи) счётлар режаси тузиш керак. Бу счётлар режаси хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини бухгалтерия ҳисоби регистрларида асосий счётлар бўйича олиб боришни таъминлайди ва шу асосда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги устидан назорат ўрнатилади.

Қисқартирилган (ишчи) счётлар режасидаги айрим счётлар, ўз вазифалари билан бирга бу режага киритилмаган функцияларини бажариши назарда тутилган.

Қисқартирилган (ишчи) счётлар режасидаги таклиф қилинган счётлар гуруҳи фермер хўжалигининг молиявий ҳолати тўғрисидаги бухгалтерия балансини тузиш қоидаларига мувофиқ, унинг маблағлари ва маблағлар манбаларининг миқдоридан келиб чиқиб ҳамда хўжалик фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда шакллантиради.

Фермер хўжаликлари мулкчилик шакллари ва қайси тармоққа тегишлигига қараб бир биридан фарқ қиладилар. Шунинг учун улар ўзларининг ишчи счётлар режасини тузишда тавсия қилинаётган счётлар режасидан намуна сифатида фойдаланишлари мумкин.

Айрим фермер хўжаликлари ўзининг счётлар режасини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш харажатлари, олинган маҳсулотлар, таннархни ҳисоблаш, даромадлар ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишнинг молиявий натижасини ҳисобга олишда ўз фаолиятининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиқишлари керак.

Фермер хўжалиги ўз фаолиятини ҳисобга олиш учун ишчи счётлар режасини қабул қилгани (тасдиқлагани)дан сўнг соддалаштирилган ҳисоб тизими тавсияларида таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби шаклларидадан ўзига мосини танлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асосан битта йўналишда ихтисослаштирилган ва хўжалик муомалалари кам миқдорда содир бўладиган ҳамда ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараёнида материал ва бошқа ресурсларни кам сарфлайдиган кичик фермер хўжаликлари учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, содир бўлган хўжалик муомалаларининг ҳисоби асосан «Хўжалик муомаларини ҳисобга олиш дафтари» (К 1-шакл) ва рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу дафтар уйғунлаштирилган ҳисоб регистри бўлиб, у фермер хўжалигида қўлланиладиган барча бухгалтерия счётларини ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири бўйича содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш имконига эга. Шу билан бирга у баланснинг тегишли моддалари мазмунини асослаш учун ҳам етарли даражада батафсил тузилган. Фермер хўжалиги бухгалтерии бу дафтарни қайднома кўринишида бир ойга очиши (зарур бўлганда муомалаларни ҳисобга олиш бўйича счётлар очиш учун кўшимча варақлар киритиб) ёки муомалаларни йил давомида ҳисобга оладиган қилиб дафтар шаклида юритиш ҳам мумкин.

Йил давомида юритиладиган дафтар тикилган ва бетлари рақамланган бўлиши керак. Унинг охириги бетида варақлар сони рақам ва сўз билан ёзилиб, фермер хўжалигининг раҳбари ва бош бухгалтер имзоси билан тасдиқланади ҳамда муҳр босилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни»га асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январ 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Корхона (ташкilot)ларнинг чорак ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги Йўриқномага асосан қуйидаги бухгалтерия шакллари йилига бир марта топширилади:

-«Бухгалтерия баланси » 1-шакл;

-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл;

-«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома »

2а-шакл.

Фермер хўжаликлари 1-сонли шакл — бухгалтерия баланси ва 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат бўлган, фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмасдан тақдим қилади.

Фермер хўжаликлари шунингдек, статистика ҳисоботларини яъни, №41 1-FX ва №41.1 2-FX лардан иборат бўлган ҳисоботларни йилига икки марта июнь ва декабрь ойларда ҳамда №40 1-FX (йиллик) статистик ҳисоботини йиллик молиявий ҳисобот топшириш муддатидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этади.

Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги» буйруғи билан белгиланган шаклларда ва тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари учун юқоридаги соддалаштириб кўрсатилган бухгалтерия ҳисоби счётлар режасидан ва ҳисоботидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фермерлар уюшмасига юқоридаги қонун ва қарорларга зид бўлмаган кўшимчалар киритишга руҳсат берилади.

Фермер хўжаликлари туман статистика бўлимига қуйидаги ҳисоботларни топширади:

- 1) фермер хўжалиги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот. №1-шакл (фермер) (чораклик).
- 2) фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот. №1-шакл илова. (йиллик).

## **I боб** бўйича хулоса

1. Республикамизда фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималаштириш, ислохотлар олиб боирш натижасида фермер хўжаликлари йириклашиб, кўп тармоқли хўжаликларга айланмоқда. Бу эса ўз навбатида хўжаликларда ҳисоб ва ҳисобот тизимини айниқса бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли «Сегментлар бўйича ҳисобот» номли халқаро стандарти (БҲХС)га кўра, хўжаликни сегментларга бўлганҳолда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлартайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2. Фермер хўжаликлари молиявий ҳисоботни тузиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474- сон билан рўйхатга олинган «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикасининг 1- сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) га мувофиқ ташкил этсалар ҳам фойдаланувчилар учун сифатли ахборотларни олиш имконини ҳамда фермер хўжалиги раҳбарининг пул оқимини башоратлашни баҳолаш имкониятини юзага келтиради.

3. Фермер хўжаликларида тўлиқ бошқарув ҳисобини йўлга қўйиб, бошқарув ҳисоботининг стандарт (минимал) тўпламига асос бўладиган қуйидаги муҳим шакллари юритишлари мақсадга мувофиқдир:

- материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари тўғрисида ҳисобот;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, ьхизматлар) тўғрисида ҳисобот;
- харид қилинган қийматликлар тўғрисида ҳисобот;
- тайёр маҳсулот захиралари тўғрисидаги ҳисобот;
- сотишлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида ҳисобот;
- йиғма ҳисобот.

4. Фермер хўжаликларининг ҳисобот бериш тизимини бундан кейин ҳам замон талабларига мос равишда янада соддалаштирилиши ва такомиллаштирилиши уларнинг ҳисобот бериш мажбуриятларини янада камайтириб, улар учун қўшимча қулайликларни яратади.

## **II боб. Фермер хўжаликлариди молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботлар тузишнинг ташкилий-услугий жиҳатлари**

### **2.1. Молиявий ва статистик ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услугий таъминоти**

Фермер хўжаликлариди ҳисобот йил (молиявий йил) яқунлангандан сўнг ҳисоботларни тўғри шакллантириш ва тақдим этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳисоботларга хорижий ва ўзбек иқтисодчи олимлари томонидан мазмунан бир-бирига яқин бўлган турли хил таърифлар берилган.

Хориж иқтисодчи олими В.П.Астахов ўзининг «Теория бухгалтерского учета» дарслигида «Бухгалтерия ҳисоботи-туғалланган ҳисобот даври учун ташкилот фаолияти натижаларини тегишли тартибда тасдиқланган шаклларда ифодалайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мажмуидир»<sup>9</sup> деб таъкидлаб ўтган.

Мазкур иқтисодчи олим В.П.Астаховнинг таърифи мазмунига яқин таърифни Н.П. Кондраков ҳам берган. Унинг таърифига кўра «молиявий ҳисобот - ўзида ҳисобот даври учун корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ифодалайди»<sup>10</sup>.

Демак, корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар қачон ва қандай хўжалик жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда акс эттирилади. Худди шу таърифларга яқин, лекин тўлиқ тўлиқ таъриф берган иқтисодчи олимлар Е.П. Козлова, Т.Н.Бабченко, Т.Н. Галаниналар ўзларининг «Бухгалтерский учет в организациях» дарслигида бухгалтерия ҳисоботларини қуйидагича таърифлаган: «Бухгалтерия ҳисоботи белгиланган шакллар бўйича корхонанинг реализация қилинган маҳсулот, иш ва хизматлари, уларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар, корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳамда хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги қиёсланувчан ва аниқ маълумотлар тизимини мужассамлаштиради»<sup>11</sup>.

Республикамиз иқтисодчи олимлари ҳам ҳисобот мазмунига ўзларининг ёндашувини билдирган. Шулардан, А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқуловлар «Бухгалтерия ҳисоби» дарслигида «Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки хўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар, бажарадиган ва субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий воқеаларни ва муомалаларни кўрсатиш усули ҳисобланади»<sup>12</sup> деган фикрни илгари сурган.

А.Сотиболдиев эса ўзининг «Замонавий бухгалтерия ҳисоби» дарслигида «Ҳисобот-корхона, бирлашма, уюшма, концерн, корпорация, акционер жамияти ва шу кабиларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, у

<sup>9</sup>В.П.АстаховРостов-на-Дону: Издательский центр” (“Март, 2002.-С.384.)

<sup>10</sup>Н.П. Кондраков Бухгалтерский учет-М: Инфра-М, 1997-С. 501.

<sup>11</sup>Е.П. Козлова, Т.Н.Бабченко, Т.Н. ГаланинаМ: Финансь и статистика, 1999.-С.678

<sup>12</sup> А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов Т: “Шарқ” НМАК, -2004.-Б.410

хўжалик фаолиятини таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида тегишли субъектларга топширилади. Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари, хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил бўлиш манбалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ва дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади»<sup>13</sup> деб таъкидлаган.

Б.Ҳошимов «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» китобида «Ҳисобот хўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятни таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади. Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, уларни ишлаб чиқариш, хўжалик маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ва дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади»<sup>14</sup> деган фикрни айтиб ўтган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг бухгалтерия ҳисоботлар мазмунига ёндашуви ва таърифлари бир-бирига ўхшаш тарзда таърифланган. Яъни уларнинг фикрига кўра ҳисобот тузиш йўли орқали хўжалик фаолияти муомалаларини умумлаштириш ва бир тизимга келтиришдир.

Р.Д. Дўсмуратов эса ўзининг «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» китобида ҳисоботга қуйидагича таъриф берган: «Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи-ҳисобот даври учун корхона фаолияти натижалари, тегишли тарзда тасдиқланган шаклларда тақдим этиладиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тўплами»<sup>15</sup>. Бу таърифда Р.Д. Дўсмуратов корхона фаолияти натижаларини кўрсаткичлар тўплами сифатида таърифлаган. Яъни корхона фаолияти натижалари бухгалтерия ҳисобининг жараёнлари натижасида вужудга келган умумий кўрсаткичлар тўпамидир.

Статистика ҳисоботида оператив-техник, статистик ва бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари асосида тузилади ва абсолют миқдорлар билан бирга нисбий ва ўрта миқдорлар ҳақида маълумот берилади. Масалан, фоизларнинг ўсиш даражаси, ўртача даража у ёки бу кўрсаткичларнинг ўсиш ёки пасайиш динамикаси ва бошқалар. Статистика ҳисоботи ўз олдида харажатлар жараёни устидан умумий назоратни амалга оширишни мўлжаллайди.

Бу ҳисоботни икки тоифага бўлиш мумкин. Корхона хўжалик фаолиятини хар томонлама тавсифлаш учун 1-тоифа бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари етарли бўлмай, статистик маълумотлар ҳам зарур.

Масалан, корхона асосий фондлари ҳақида факат асосий воситалар ҳисобга олинган счётлардаги бухгалтерия маълумотларидан ташқари, яна янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши, машина ва

<sup>13</sup> А.Сотиболдиев “Т: ЎзБАМА, -2004.-3-том. Б.117”

<sup>14</sup> Б.Ҳошимов “Т: “Янги аср авлоди”. - 2004. –Б.242”

<sup>15</sup> Р.Д. Дўсмуратов “Т: “Янгиюл полиграф сервис” -2007. Б.268”

ускуналарнинг ҳолати, янги қувватларни ўзлаштириш ҳақидаги ва бошқа маълумотлар ҳам керак. 2-тоифа статистика ҳисоботларидаги кўрсаткичлар бухгалтерия ҳисоботлари кўрсаткичларига ўхшаб кетади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, молия натижалари режасининг бажарилиши, товар маҳсулотининг таннари, ходимлар иш ҳақи ва унинг таркиби ҳақидаги ва бошқа. Бу ҳисобот шакллари статистик ҳисобот ҳисобланади, уни тузиш учун маълумотлар бухгалтерия ҳужжатларидан, регистрлардан олинади.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботи белгиланган талаблар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилса, ундаги маълумотлар ҳисобот даври мобайнида унинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида етарлича ахборот беради.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002-йил 27-декабрьдаги 140-сон буйруғи талабларига мувофиқ тузилмоқда.

Ҳисоботнинг асосий шакллари корхона баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги Низом, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан чамбарчас боғлиқдир.

Тасдиқланган молиявий ҳисобот шакллари фақат шаклан ўзгарибгина қолмай, балки маъноси ҳам сезиларли даражада ўзгарган. Молиявий таҳлил мақсадлари учун улар ахборотларга янада бойиган. Барча қилинган ўзгартиришлар ҳисоботларни халқаро стандартлар даражасига етказиш мақсадида амалга оширилган. Жумладан, бухгалтерия балансининг актив ва пасив томонларини икки бўлимли ҳолатга келтириш.

Корхона баланси, бухгалтерия ҳисоботларининг асосий шакли ҳисобланади, қолган шакллар эса ундаги маълумотларни батафсилроқ очиб бериш ва тўлдириш учун хизмат қилади.

Корхона баланси, корхонанинг барча маблағларининг ҳолати ва хўжалик фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шаклларида акс этган кўрсаткичлар эса, корхона фаолиятининг у ёки бу томонини очиб беришни назарда тутаяди.

Ҳисоботнинг кейинги шакли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдир. 3-сонли «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» деб номланиб, унда шу ҳисоботга тегишли қоидалар ва масалалар ёритилган.

Молиявий ҳисоботнинг 2-сон шаклида, хўжалик фаолияти натижасида олинган даромад ва харажатлар акс эттирилади. Аниқроқ қилиб айтганда, унда қуйидаги маълумотлар ёритилиши керак:

- сотишдан олинган соф тушум;
- сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
- асосий фаолиятдан кўрилган бошқа операцион даромад ва харажатлар;

- асосий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;
- молиявий фаолиятнинг бошқа даромад ва харажатлари;
- умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;
- фавқулодда фойда ва зарарлар;
- даромад солиғи тўлангунгача бўлган умумий молиявий натижа;
- ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

Умуман олганда, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, аввалги ва ҳозирги баланс ҳисоботларини боғлаб турувчи бўғин ҳисобланади, яъни у ҳозирги балансдаги ўзгаришлар, аввалгисига нисбатан, қандай даромад ва харажатлар ҳисобига ўзгарганлигини ифодалайди.


Бундан ташқари, ушбу шаклга «Бюджетга тўланадиган тўловлар тўғрисидаги маълумотнома» ҳам илова қилиниб, унда тўланадиган барча тўловлар ҳамда солиқ қонунчилигининг бузганлиги учун қўлланиладиган иқтисодий жазолар кўрсатмаларга биноан белгиланган тартибда ҳисобланган ва ҳақиқатда бюджетга тўланган суммаси акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотномада, (2а-шакл) дебиторлик қарзларининг республикамиз ичидаги ҳамда унинг ташқарисидаги ҳолати бўйича ахборот берилган. Лекин, унда ҳар бир корхона ва ташкилот бўйича қарзлар алоҳида-алоҳида берилган.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакли юритилади. Бу шаклни юритишдан асосий мақсад хўжалик муомалалари кам миқдорда содир бўладиган ҳамда ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараёнида материал ва бошқа ресурсларни кам сарфлайдиган фермер хўжаликлари учун қулай ҳисобланади. (2.3-расм)

### Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакллари

(2.3-расм)



Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби соддалаштирилган шаклини “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом”га асосан мустақил танлайди.

Агар фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобининг оддий шаклини танласа хўжалик муомалаларини Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритади. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида хўжалик операциялари натижалари активларни, мажбуриятларни, хусусий капитални, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилади.

Ҳар бир ойнинг (чоракнинг) охирида хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида яқун чиқарилади ва унга асосан фермер хўжалиги фаолиятининг натижаси аниқланади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл - бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ҳисобот давридаги айланмаси 2-сонли шакл - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

Агар фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шаклини юритсалар мазкур шаклга асосланган бухгалтерия ҳисоби бир неча ҳисоб регистрларини (ҳисоб қайдномаларини) қўллаш орқали амалга оширади. Ҳисоб қайдномаларида ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шаклини юритишда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисоб қайдномаларидан фойдаланилади:

- асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси;
- ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси;
- чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси;
- хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси.

Ҳар бир қайднома бир ёки бир неча фойдаланилаётган бухгалтерия счётлари бўйича операциялар ҳисоби учун қўлланилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл - бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг айланмаси 2-сонли шакл - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

## **2.2. Молиявий ва статистик ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари**

Ҳар бир фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган ва ҳуқуқий мақомга эга бўлганлик ҳақидаги гувоҳномани олган ҳолда ўз фаолиятини бошлаганида, бухгалтерия ҳисобининг энг нозик жиҳатларини биладиган яхши бухгалтерни доимий штатда ушлаб туришга ёки ёллашга зарурат сезади. Шу билан бирга ягона тартиб-қоида асосида тегишли молиявий, солиқ, статистик, пенсия таъминотига тегишли ҳисобот ва маълумотларни тузишлари ва топширишлари лозим. Ахборотнинг бу оқими бухгалтернинг биринчи функционал вазифасига (аслида унинг биринчи вазифаси раҳбарга бошқарув учун зарур маълумотлар оқими билан таъминлашдан иборат) айланган. Шу билан бирга, ҳисоботларни тузиш ва уларни топшириш доимо, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбари ва бош бухгалтери учун энг муаммоли масалалар сирасига кириб келган.

Мазкур ҳолатлардан қутилишнинг энг содда ва қулай йўли – бу ҳисоботларни электрон шаклда топшириш ва қайд этишга ўтиш ҳисобланади.

«1-С бухгалтерия» дастури ёки миллий ҳисобчилик ва солиқ қонунчилиги талаблари асосида ишлаб чиқилган «Бухгалтерга электрон мадад» компьютер дастурининг яратилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг компьютер таъминоти, компьютер саводхонлигига ва интернет тизимида ишлаш тажрибасига эга бўлган ходимлар салоҳияти билан бу вазифани ҳал этиш ғоятда қисқа муддатда амалга оширилишига эришиш мумкин. Ҳисоботларни электрон шаклда топширишга ривожланган давлатларда бир неча йиллар давомида ўтилганлиги, бизнинг бугунги салоҳиятимизда узоқ давом этмаслигини мобил алоқа ва интернет тизимидан фойдаланишдаги ютуқларимиз ҳам яна бир бор исботлайди.

Бугунги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан фермер хўжаликлари ҳам ўз фаолиятидан келиб чиққан ҳолда молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимини йўлга қўйиш асосида ҳисоботларни тузиш ва топширишга кетадиган харажатларни бир неча бор қисқартириш мумкинлигини эътироф этиш лозим. Бу нафақат

харажатларни тежашига балки ходимларнинг (ҳисобот топширувчи ва қабул қилувчиларнинг) иш вақти фондидан ҳам унумли фойдаланишига олиб келмоқда.

Молиявий ҳисоботларни электрон тарзда жўнатувчи хўжалик юритувчи субъектлар авваламбор солиқ хизмати органларидан электрон рақамли имзо ёпиқ калитини олиб “hisobot.uz” сайти орқали тизимга мурожаат қилади. «Электрон рақамли имзо ёпиқ калити бу – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қуювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлигидир».<sup>16</sup>

«Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгаси — электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс ҳисобланади».<sup>17</sup> Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгаси эксплуатацион ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳисоблаш техника воситалари ва махсус дастурий воситалар асосида компьютер тармоғининг ишчи станцияси мавжуд бўлган автоматлаштирилган иш жойига эга бўлиши лозим.

Ҳисобот жўнатувчи логини ва фойдаланиш паролининг махфийлиги, логин ва паролни ошкор қилмаслик ва сир сақлаш йўли билан иштирокчининг ўзи томонидан таъминланади. Фойдаланиш пароли ҳар қандай қонуниятдан қатъи назар, 6 та белгидан кам бўлмаган рақам ва ҳарфлар комбинациясидан иборат бўлиши керак.

Ҳисобот жўнатувчи техник ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳисоблаш техника воситалари орқали электрон рақамли имзо ёпиқ калити билан логин ва паролини киритган ҳолда “hisobot.uz” сайтга киради. Сайтга киргандан сўнг молиявий ҳисобот шакллари мос равишда танлаб тўлиқ тўлдирилади ҳамда ҳисобот маълумотларининг мантиқий яхлитлигини текшириш дастурий модулини қўллаган ҳолда текширилади. Шундан сўнг молиявий ҳисобот шаклини тақдим этиш даврийлиги ва белгиланган муддатидан кечиктирмай электрон тарзда шакллантирилган молиявий ҳисобот жўнатилади.

---

<sup>16</sup>2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8/1985-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун ЎРИҚНОМА

<sup>17</sup>2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8/1985-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун ЎРИҚНОМА

Ҳисобот маълумотларида қоидабузилишлар аниқланган ҳолларда, солиқ органи томонидан ҳисобот жўнатувчига жўнатилган ҳисоботлари электрон тарзда қайтарилади. Ҳисобот жўнатувчи тўғриланган ҳисоботларни ҳисобот тақдим этиш давридан кечиктирмаган ҳолда қайтадан жўнатади. Агар жорий ҳисобот даври учун тўғриланган молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатда тақдим этилган бўлса, ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузганлиги учун белгиланадиган маъмурий жазо чоралари қўлланилмайди.

Электрон шаклдаги молиявий ҳисоботлар қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга ҳамда белгиланган тартибда архивда сақланиши лозим. Электрон шаклдаги статистика ҳисоботининг сақланиш муддати, қоғоз шаклидаги молиявий ҳисоботлари учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш учун эса респондент (статистика ҳисоботини тақдим этувчи юридик шахс (зарур ҳолларда унинг ваколатхонаси ёки филиали)) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти([www.stat.uz](http://www.stat.uz)) орқали Тизимга мурожаат қилади. Тизимга мурожаат қилиш учун респондент, авваламбор ўзининг шахсий компютерига мустақил равишда махсус дастурий таъминотни ўрнатади, шунингдек ундан фойдаланган ҳолда ўзига керак бўлган статистика ҳисоботларининг электрон намунасини ўрнатиши лозим бўлади. Шундан сўнг респондент тегишли статистика ҳисоботи шаклини тақдим этиш даврийлиги ва белгиланган муддатидан кечиктирмаган ҳолда электрон статистика ҳисоботини шакллантиради ҳамда жўнатади.

Электрон шаклда тақдим этилган статистика ҳисоботлари, тўлиқ тўлдирилган ва ҳисобот маълумотларининг мантиқий яхлитлигини текшириш дастурий модулини қўллаган ҳолда текширилган бўлиши керак. Электрон намунанинг ҳар бир катакчасида статистика ҳисоботи намунасида ёки унга илова қилинган рўйхатда (номенклатура, таснифлагич) келтирилган ўлчов бирликлари бўйича фақат битта кўрсаткич кўрсатилади. Мисол учун: тегишли катакчада, кўрсаткич йўқ бўлган ҳолда «—» белгиси ёки кўрсаткич қиймати белгиланган ўлчов бирлигидан кам бўлган ҳолда «0» қиймати ёзиб қўйилади.

Статистика ҳисоботида қуйидаги мажбурий реквизитлар кўрсатилган бўлиши шарт:

- респондентнинг номи ва идентификацион кодлари (КТУТ, СТИР);
- респондентнинг электрон ва почта манзили;
- ҳужжат яратилган сана;
- уни тузишга масъул бўлган мансабдор шахслар тўғрисида маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган респондентнинг электрон рақамли имзоси (РЭРИ) билан имзоланган ва ўзида мажбурий реквизитларни акс эттирган электрон шаклдаги статистика ҳисоботи респондентдан чиқувчи деб ҳисобланади. Респондентдан чиқувчи электрон шаклдаги статистика ҳисоботи белгиланган намунага мос келмаган ва респондентнинг электрон рақамли имзоси билан имзоланмаган электрон шаклдаги статистика ҳисоботи статистика органлари томонидан кўриб чиқилмайди.

Статистика ҳисоботини электрон тарзда жўнатувчи фермер хўжалиқларидан электрон статистика ҳисоботини қабул қилишда, Тизим унинг электрон манзилини автоматик равишда рўйхатдан ўтказди. Тизим томонидан электрон манзилнинг рўйхатдан ўтказилиши, фермер хўжалиги учун статистика ҳисоботларини фақат электрон шаклда тақдим этиш мажбуриятини бермайди. Шу билан бирга статистика ҳисоботини жўнатувчи фермер хўжалиги статистик ҳисоботларини статистика органларига қоғоз шаклда ҳам тақдим этишлари мумкин. Статистика органларига ҳисоботларни қайси шаклда тақдим этишдан қатъий назар белгиланган муддатдан кечикмасдан тақдим этилса статистик ҳисоботлар топширилган ҳисобланади. Фермер хўжалиги статистика ҳисоботини юборгандан сўнг унинг олинганлиги ва уни кўриб чиқиш муддати тўғрисида Тизим орқали автоматик тарзда шакллантирилган электрон Хабарномани олади.

Хабарномада кўрсатилган вақтдан кечиктирмай, фермер хўжалиги қўйидаги электрон ҳужжатлардан бирини олади:

- маълумотнома
- кўрсатма

Фермер хўжалиги маълумотномани агар қайта ишлаш учун келиб тушган статистика ҳисоботи статистика органларининг назорат тизимидан муваффақиятли ўтса ва статистика маълумотларида қоидабузилишлар (арифметик хатолар, мантиқий қарама-қаршилиқлар, аввалги ҳисобот даврлари маълумотлари билан таққослангандаги номувофиқликлар) йўқ бўлса олади. Кўрсатмани эса тақдим этилган статистика ҳисоботида қоидабузилишлар аниқланганда олади. Фермер хўжалиги агар жорий ҳисобот даври учун статистика ҳисоботини юборгандан сўнг, ундаги хатолар ва номувофиқликларни мустақил аниқласа, у статистика органларига тўғриланган ҳисоботни тушунтиришлар билан юборади.

Қайта ишлаш даври ўтгунига қадар фермер хўжалиги томонидан тўғриланган ҳисоботнинг қайта юборилиши, давлат статистика ҳисоботини

тақдим этиш тартибини бузиш ҳисобланмайди, ҳисобот белгиланган тартибда статистика органлари томонидан қабул қилинади ва қайта ишланади. Фермер хўжалиги томонидан мустақил тўғриланган ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган маълумотларни тарқатиш муддатларидан кечикиб қайта юборилиши, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасига мувофиқ мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши:

- энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

- энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Статистика органи ходими, жорий ҳисобот даври учун фермер хўжалигидан электрон шаклдаги статистика ҳисоботини қабул қилганда хабарномада белгиланган муддатдан кечиктирмай уни қайта ишлашни таъминлаши лозим.

Агар ҳисоботдаги статистика маълумотларида қоидабузилишлар аниқланган ҳолларда, статистика органи томонидан фермер хўжалигига Кўрсатма юборилади. Кўрсатма барча хато ва номувофиқликлар рўйхатини, уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни, шунингдек тўғриланган маълумотларни тақдим этиш муддати ва қайта ишлашни ўтказган ходимнинг электрон рақамли имзосини ўз ичига олиши лозим. Кўрсатмадаги маълумотларни тўғрилаб тақдим этиш муддати, қайта ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Фермер хўжалиги Кўрсатмани олгандан сўнг, статистика ҳисоботини тўғрилаб, уни статистика органига қайтадан юборади. Агар жорий ҳисобот даври учун тўғриланган статистика ҳисоботи Кўрсатмада белгиланган муддатда тақдим этилган бўлса, ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузганлиги учун белгиланадиган маъмурий жазо чоралари қўлланилмайди. Агар жорий ҳисобот тўғри бўлиб, жорий статистика ҳисоботидаги номувофиқликлар илгари йўл қўйилган хатолар ва бузиб кўрсатишлар (ўтган

ҳисобот даврларида) билан боғлиқ бўлганлиги учун фермер хўжалиги томонидан уни тўғрилаш мумкин бўлмаса, бу ҳолда фермер хўжалиги Кўрсатмада белгиланган муддатдан кечиктирмай номувофиқликлар сабабларига изоҳ берган ҳолда, жорий ҳисоботни статистика органига қайта юборади ҳамда ўтган ҳисобот даврлари учун тўғриланган статистика ҳисоботини статистика органига тақдим этади (электрон ёки қоғоз шаклида).

Биз бугунги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ҳисобни ташкил этиб, ҳисоботларни меъёрий-ҳуқуқий базасига таянган ҳолда тайёрлаётганлигини кўрмоқдамиз. Ҳисоботларни тақдим этишнинг электрон шаклига ўтган фермер хўжаликлари Республикамизда анчагина. Бунинг яққол мисоли тариқасида, малакавий амалиёт объекти бўлган “Азизжон” фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисобини электрон тарзда ташкил этганлиги ҳамда ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этаётганини амалиёт даврида гувоҳи бўлдик.

Электрон ҳужжат айланиш тизими – кўмитанинг ахборот инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини юксалтиришга йўналтирилгандир. Ушбу тизим кираётган, чиқаётган ва ички ҳужжатларни рўйхатга олиш, қайта ишлаш, тайёрлаш, келишиш сақлаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган хизматчиларнинг фаолиятини автоматлаштирилишини таъминлайди ҳамда ижро интизомини назоратга олишни таъминлайди. (2.4-расм)

Республикамизда ҳисоботларни электрон шаклда топширишга ўтишнинг изчил модели, тизимини яратиш лозим деб ўйлаймиз. Ҳисоботларни тақдим этишнинг прогрессив шаклига Ғарб давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида муҳим ўзгартиришлар киритиш асосида ахборотлар қабул қилишнинг ягона тизимини ҳам шакллантириш мумкин.


#### 2.4-расм

Ҳисоботларни тузиш ва топширишнинг электрон шаклига ўтиш нафақат корхона, давлат солиқ инспекцияси, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам ахборотлар билан ишлашини, фойдаланишини, муҳими, уларнинг таҳлилий самарадорлигини ҳам ошириш имконини беради.

Бунинг учун, ташкилий имкониятда арзон ва сифатли компьютер жиҳозлари ва дастурий таъминотига, юқори тезликдаги интернет тизимига, локал боғланишнинг қулай, ишончли тармоғига электрон рақамли имзони ишлатишнинг ҳимояланган воситасига эга бўлиш талаб этилади.

## Электрон ҳужжат айланиши тизимининг имкониятлари

2.4. – расм.



Электрон шаклда ҳисоботларни тузиш ва топшириш албатта ўзига хос муаммоларга ҳам олиб келади. Бундай тизим қоғоз вариантыдаги шакллардан тўла воз кечишни характерламайди. Шунингдек, дастурий таъминотга кириб олувчи ва ахборотларни йўл қўйувчи «вирус»лар, электр энергиясидаги узилишлар, маълумот ўғриларининг кириб олишлари ва ҳоказо хатарларнинг мавжудлиги ушбу тизимга ўтиш хатарли йўл эканлигини англамайди.

Бу ҳолат эса бугунги глобаллашган, янгиликларга ўч, бошқариш мураккаб бўлган иқтисодиётнинг информацион базага бўлган эҳтиёжни сифатли ва ўз вақтида таъминлаш имконини беради. Ахборотларни олиш ва улардан фойдаланишнинг оптимал даражасига эришишни таъминлайди.

Тўғри, бу борада қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг. Унинг ҳуқуқий базаси, ташкилий-услубий базаси, иқтисодий-ижтимоий базасида ҳам чуқур ўйланган ечимларни беришимиз лозим бўлади.

Электрон ҳисобот шаклига ўтиш нафақат хўжалик юритувчи субъектларнинг, балки келгусида жисмоний шахсларнинг ҳам (декларациялаш, жисмоний шахслардан олиннадиган солиқлар тўлови бўйича) масофавий ҳисобот бериш имконини туғдиради.

### **2.3. Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларини тузишнинг ҳозирги ҳолати ва зарурлиги**

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида охириги йилларда фермер хўжаликларининг мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Бунинг натижаси сифатида Республикамиз ички маҳсулотини ўсишида қишлоқ хўжалигининг салмоқли ўрин тутаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан кўринадики, бугунги кунда фермер хўжаликлари иқтисодий барқарор ва молиявий мустақил хўжалик юритувчи субъектларга айланиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.»<sup>18</sup>.

Шундай экан бугун қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам эски маъмурий-бўйруқбозлик, тақсимлаш тизимига хос бошқарув тузилмалари ўрнига бошқарувга янгича ёндашувлар, услуб ва воситаларга эга бўлган замонавий бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари талаб этилмоқда. Бундай шароитда бухгалтерия ҳисоби амалиётининг истиқболли йўналишларидан бири, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган бошқарув ҳисобининг аҳамияти беқиёс даража ортиб боради. Бинобарин, бошқарув ҳисоби фермер хўжалиги фаолиятини тезкор ва истиқболли бошқаришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини беради.

Фермер хўжалиги раҳбари тезкор қарорлар қабул қилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини қандай тартибда шаклланаётганлигини ҳамда ишлаб чиқариш тизимини назорат қилиш имконияти учун бошқарув ҳисоби ҳисоботларига муҳтожлик сезади.

Корхона раҳбари ҳисоб ва ҳисоботнинг ички хўжалик тизимини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартибини, ташқи истеъмолчилар

---

<sup>18</sup> «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси».

учун молиявий ҳисоботни, солиқлар ва молиявий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ва ҳоказоларни ташкил этиши лозим.

Шу сабабдан фермер хўжалиги раҳбари бухгалтерия ҳисобини ташкил этганидан сўнг молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоботи, статистика ҳисоботи шакллари билан бирга бошқарув ҳисоботларига ҳам муҳтожлик сезади. Бошқарув ҳисоби ва ҳисоботининг асосий мақсади эса бу - корхона бўлинмалари фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тақдим этувчи, бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляцияси, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисобот тузиш, трансферт баҳоларни шакллантириш каби масалаларни камраб олишидир.

Бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида бизнес сегменти деб аталувчи янги атама бошқарув ҳисобига кириб келди. Сегментлар бу – “segmentum” у ёки бу нарсанинг қисми ёки бўлагидир. Сегментлар бўйича ҳисобот хўжалик субъектларининг айрим бўлинмалари, фаолиятининг турлари ва масъулият марказлари бўйича тузилган ҳисобот ҳисобланади. Бу ҳисоботлардан ички фойдаланувчилар учун тузиш тартиби ва қўйилган талаблар ҳозирча ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда ҳозирги амалиётда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаганлиги сабабли ушбу муаммоларни субъектлар ўзларича ва фаолиятига маъқул вариантларда ечиб келмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда сегментлар бўйича ҳисоботни шакллантириш тартиби 14-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МХХС) билан тартибга солинади.

Масъул ходимлар ҳисобот юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун молиявий ҳисоботлардан фойдалансалар бошқарув ҳисоби ва ҳисоботининг маълумотларидан эса ушбу субъектнинг фаолият сегментлари, бўлим, масъулият марказининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фойдаланадилар. Фермер хўжаликларида эса бир қанча сегментлар мавжуд бўлсада бевосита фермер хўжалиги раҳбари ва бухгалтери сегментлар фаолиятини таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар.

Сегментлар бўйича ҳисоботни жавобгарлик марказлари бўйича шакллантирилган ҳисобот сифатида таърифлаш мумкин. Сегментлар (жавобгарлик марказлари) бўйича ҳисобни ташкил этиш зарурати муносабати билан бошқарув ҳисобида уларнинг чегараларини қуйидаги мезонларга мувофиқ белгилаш лозим:

- мустақил сегмент ҳисоботлари қандай кўринишда бўлиши лозим (яъни, сегментар ҳисобот бирликларини ажратиш мезони);
- сегментлараро ўзаро ҳисоб-китобларда баҳони шакллантиришнинг қайси усули қўлланилиши зарур;
- даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни сегментларга тақсимлаш учун қандай асос мавжуд бўлади.

Мустақил сегмент ҳисоботи шаклланиши шарт-шароитлари сифатида ҳар бир хўжалик ички ҳисоботларидан фойдаланиш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона сегментлари ўртасида ички ҳисоб-китоб нархларини ўрнатиш яъни трансферт баҳо ҳосил бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда битта жавобгарлик маркази ўз маҳсулоти ёки хизматларини бошқа жавобгарлик марказига узатади, натижада бўлинмалар ўртасида ўсиб боровчи тартибдаги баҳолар юзага келади.

“Азизжон” фермер хўжалиги ички ҳисоб тизимида ҳам бир нечта харажатлар марказлари мавжуддир. Шулардан бошоқли ва дуккакли экинлар бўйича, картошка ва сабзавот экинлари бўйича, озуқа экинлари бўйича ҳамда чорвачилик бўйича харажат марказларидан иборат. Йирик корхоналар сингари хўжаликда ҳам бир жавобгарлик маркази ўз маҳсулотини бошқа жавобгарлик марказига узатади.

Трансферт баҳолари бўйича сегментар ҳисоботни тузишда, трансферт баҳоларни ҳисоб-китоб қилишнинг қуйидаги усуллари таҳлил қилинади:

- бозор баҳолари асосидаги;
- таннарх (ўзгарувчан ёки тўлиқ) асосидаги “таннарх плюс” тамойили бўйича;
- шартномавий трансферт баҳолари асосидаги (маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бозор конъюнктураси ва харажатлари таъсири остида).

Бозор баҳоларини шаклланиши объектив хусусиятга эга бўлган шароитда трансферт баҳоси ҳам жавобгарлик марказлари менежерларининг ва харидорларнинг муносабатлари ҳамда малакаларига бевосита боғлиқ бўлмайди. Бу усулнинг заиф томонини ҳам таъкидлаш лозим яъни унинг жорий этилиши ривожланган бозор муҳитини талаб қилади, бундан ташқари корхона жавобгарлик марказлари (сегментлари) ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматларга бозор баҳоларининг даражаси тўғрисида ахборот йиғиш учун қўшимча харажатлар қилиши лозим.

“Таннарх плюс” номли иккинчи усулда кутилаётган фойда миқдори устига маълум фоиз қўйилади. Масалан, битта бўлинма маҳсулот (ишлар, хизматлар) тўлиқ таннархининг 110 % ли ҳисоб-китобидан келиб чиқса, бошқа сегмент эса сегментни узатувчи маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннархни 150 % ли ҳисоб-китобидан келиб чиқиши мумкин.

Учинчи усул бўйича трансферт баҳо ҳосил қилишда шартномавий баҳони аниқлашнинг қуйидаги формуласидан фойдаланилади:

$$Tб = Mўт + Умд$$

бу ерда,

*Tб*- трансферт баҳоси;

*Mўт*- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш (ўзгарувчан) таннари;

*Умд*- умумий маржинал даромад.

Хўжаликда сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли “Сегментлар бўйича ҳисобот” номли халқаро стандартига кўра, сегментар ҳисоботда бирламчи акс эттириладиган қуйидаги ҳолатлар назарда тутилиши лозим:

- ташқи мижозлардан олинадиган даромадлар;
- бошқа сегментлар билан бўладиган муомалалардан олинадиган даромадлар;
- активларнинг баланс суммаси;
- сегментларнинг мажбуриятлари;
- асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш харажатлари;
- амортизация харажатлари;
- ассоциациялашган компаниялар ёки қўшма корхоналар фаолиятида иштирок этишдан олинган соф фойда ёки зарарлар ва инвестициялар ҳиссаси;
- даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни таққослаш.

Сегмент даромадлари корхона сегментига ёки умумий тушум таркибига бевосита киритилиши мумкин.

Бугунги кунда фермер хўжаликларидида бошқарувнинг асосий таянчи ҳисобланган бошқарув ҳисоботларини мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Йирик корхоналар сингари фермер хўжаликлари ҳам бошқарув ҳисоботларини ташкил этсалар сегментлари бўйича даромадлар ва харажатларнинг аниқ, қандай тартибда шаклланаётганлигини кўришган бўлар эди. Натижада маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми ва самарали харидорларни танлаш имкониятига эга бўлар эди.

Биз активларининг умумий қиймати 3940839 минг сўм бўлган “Азизжон” фермер хўжалигининг сегментлар бўйича даромадлари ва харажатларининг ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўрадиган бўлсак “Азизжон” фермер хўжалиги сегментлари бир қанча субъектлар билан муомала қилади (2.1-жадвал)

**“Азизжон” фермер хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича  
молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва унинг муомала  
сегментлари (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Товарлар ишлаб чиқариш сегментлари						Жами
	Жисмоний шахсларга сотиш	Ички истеъмол учун	Қайта ишлаш корхоналари	Савдо корхоналари учун	Фермер хўжаликлари учун хизмат кўрсатиш	Дам олиш масканлари га	
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>Донли экинлар</b>							
Сотилган маҳсулот таннари	-	-	18913	-	-	-	<b>18913</b>
Чегирмалар “-”, устамалар “+”	-	-	+30854	-	-	-	<b>+30854</b>
Сотишдан олинган тушум	-	-	49767	-	-	-	<b>49767</b>
Сегментларнинг харажатлари	-	-	1560	-	-	-	<b>1560</b>
<b>Донли экинларнинг молиявий натижаси</b>	-	-	<b>29294</b>	-	-	-	<b>29294</b>
<b>Картошка ва сабзовотлар</b>							
Сотилган маҳсулот таннари	43927	95730	-	155750	-	16835	<b>303142</b>
Чегирмалар “-”, устамалар “+”	+20607	+18250	-	+22950	-	+12669	<b>+74476</b>
Сотишдан олинган тушум	55434	113980	-	178700	-	29504	<b>377618</b>
Сегментларнинг харажатлари	1020	-	-	1750	-	1400	<b>4170</b>
<b>Картошка ва сабзовотларни молиявий натижалари</b>	<b>19587</b>	<b>18250</b>	-	<b>21200</b>	-	<b>11269</b>	<b>70306</b>

<b>Чорвачилик</b>							
Сотилган маҳсулот таннархи	1073	-	754549	396946	-	-	<b>1152568</b>
Чегирмалар “-”, устамалар “+”	1647	-	743211	200124	-	-	<b>944982</b>
Сотишдан олинган тушум	2720	-	1497760	597070	-	-	<b>2097550</b>
Сегментларнинг харажатлари	-	-	12680	13215	-	-	<b>25895</b>
<b>Чорвачиликнинг молиявий натижалари</b>	<b>1647</b>	<b>-</b>	<b>730531</b>	<b>186909</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>919087</b>
<b>Техника хизмати кўрсатиш</b>							
Сотилган маҳсулот таннархи	-	-	-	-	2888	-	<b>2888</b>
Чегирмалар “-”, устамалар “+”	-	-	-	-	+38812	-	<b>+38812</b>
Сотишдан олинган тушум	-	-	-	-	41700	-	<b>41700</b>
Сегментларнинг харажатлари	-	-	-	-	2154	-	<b>2154</b>
<b>Техника хизмати кўрсатишнинг молиявий натижаси</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>36658</b>	<b>-</b>	<b>36658</b>
<b>Жами сегмент бўйича олинган фойда</b>							<b>1026051</b>
<b>Тақсимланмаган харажатлар (маъмурий)</b>							<b>225740</b>
<b>Хўжаликнинг молиявий натижаси</b>							<b>800311</b>

Ушбу жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак алоҳида сегментлар даромадларини фермер хўжалиги умумий молиявий натижасидаги улушини ва уларни таркибий жиҳатдан ташкил этишини кўришимиз мумкин. Биринчи сегмент Донли экинларлар: бўйича умумий молиявий натижаси **29294 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич хўжалик умумий молиявий натижасининг 2,86 % ни ташкил этади. Иккинчи сегмент эса картошка ва сабзовотлар бўйича умумий молиявий натижаси **70306 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич эса хўжалик молиявий натижасининг 6,85 % ни

ташкил этади. Учинчи сегмет Чорвачилик бўйича **919087 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич хўжалик умумий молиявий натижасидаги улуши 86,72 % ни ташкил ташкил этади. Тўртинчи сегмент Техника хизмати кўрсатиш бўйича умумий молиявий натижа **36658 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич эса хўжалик умумий молиявий натижасидаги улуши 3,57 % ни ташкил этади.

Демак “Азизжон” фермер жўжалиги сегментларининг умумий молиявий натижадаги улшидан Чорвачилик сегментининг улуши жуда юқори ўринни эгаллайди. Хўжалик балансидаги асосий воситалар таркибидаги техникаларни бошқа хўжаликларга хизмат кўрсатиши натижасида хўжаликга **36658 минг** сўм фойда олиб келишини кўришимиз мумкин. Агарда бошқарув ҳисоботини тузмаганимизда ҳамда хўжалик ҳисобини сегментларга бўлиб чиқмаганимизда бундай аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлмаган бўлар эдик.

Сегмент даромадларига қуйидаги кўрсаткичлар тегишли эмас:


- молиявий қўйилмаларни сотишдан олинган фоизлар, дивидендлар ва даромадлар (бундай даромадлар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳоллар бундан мустасно);
- фавқулодда даромадлар (форс-мажор мажбуриятлари).

Сегмент харажатлари – бу бевосита сегмент таркибига киритилиши мумкин бўлган харажатлар ёки уларни корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлишидир.

“Азизжон” фермер хўжалиги сегментларининг харажатлари ҳам ўрганиб чиқилди. Харажатлар ҳам ҳар бир сегментнинг хўжалик бўйича умумий харажатлардаги улушини аниқлаш ва оптимал вариантни танлаш учун тузилади. Харажатлар бўйича тузилган ҳисоботда режа кўрсаткичларинг бўлиши йил бўйи қилинган ҳақиқий харажатларни режа кўрсаткичлари билан таққослашдан иборат. (2.5-расм)

### Бошқарув ҳисоби янгида талқинда тўртта ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат

2.5-расм



Унинг мақсади ва ҳаракат доираси молиявий ҳисобдан кенгроқ бўлиб, нафақат хўжалик жараёнларини олдиндан ташхислаб беришни, балки жорий ва истикболга мўлжалланган режалаштириш, бошқарув ҳамда инвестиция қарорлари дастурини ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш ва молиявий натижалар ҳисобини юритишни ҳам қамраб олади. Шунингдек, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари асосан ҳисобни бюджетлаштириш орқали юритадилар. Чунки туғилган бузоқни балансга олиш, унинг таннархини ҳисоблаш ҳамда сут таннархини аниқлаш ва ҳоказолар учун ҳам бюджетлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Азизжон” фермер хўжалигини ҳисоб тизимини кўрадиган бўлсак, бюджетлаштириш ишлари умуман йўлга қўйилганлиги кузатилади. (2.2-жадвал)

(2.2-жадвал)

**“Азизжон” фермер хўжалигида бошқаришнинг турли даражаларда харажат марказлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботи, (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Жами йил бошидан	
	Режа	Ҳақиқий
<b>Донли экинлар</b>		
Асосий материаллар (уруғлик)		4580
Ёрдамчи материаллар (менерал ўғитлар)		5568
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан		5216
Техникалар учун ишлатилган эҳтиёт қисмлар		1371
Бошқа харажатлар		1391
<b>Донли экинлар бўйича жами</b>		<b>18126</b>
<b>Картошка ва сабзавотлар</b>		
Асосий материаллар (уруғлик)		99190
Ёрдамчи материаллар (менирал ўғитлар)		30715
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан		44875
Иссиқхонага учун иссиқ сув харажатлари		100175
Бошқа харажатлар		18849
<b>Картошка ва сабзавотлар бўйича жами</b>		<b>293804</b>
<b>Чорвачилик</b>		
Асосий материаллар		728038
Ёрдамчи материаллар(эҳтиёт қисмлар)		29050
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан		130563
Асосий воситаларнинг эскириш харажатлари		114466
Бошқа харажатлар		45451
<b>Чорвачилик бўйича жами</b>		<b>1047568</b>
<b>Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича жами</b>		<b>1359498</b>

<b>Умумишлаб чиқариш харажатлари</b>		
Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланган материаллар		198456
Меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан		9250
Асосий воситаларнинг эскириш харажатлари		251181
Умумишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланган электрэнергия		1870
Бошқа умумишлаб чиқариш харажатлари		13586
<b>Умумишлаб чиқариш харажатлари жами</b>		<b>474344</b>
<b>Давр харажатлари</b>		
Сотиш харажатлари		-
Маъмурий харажатлар		106410
Бошқа маъмурий харажатлар		119330
<b>Давр харажатларининг жами</b>		<b>225740</b>
<b>Сотилган маҳсулот(товар,иш ва хизмат) ларнинг таннарихи</b>		<b>1833841</b>
<b>Корхона бўйича жами:</b>		<b>2059582</b>

Ушбу жадвал маълумотлари фермер хўжалиги сегментлари харажатларини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради ва уларни пасайтириш йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

“Азизжон” фермер хўжалигида харажатларни сегментлари бўйича харажатларини кўрадиган бўлсак, биринчи сегмент Донли экинлар бўйича умумий харажатлари **18126 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич хўжаликнинг умумий харажатлар улушида 1 % ни ташкил этади. Иккинчи сегмент Картошка ва сабзовотлар бўйича умумий харажатлари **293804 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич хўжаликнинг умумий харажатлар улушида 21,02 % ни ташкил этади. Учинчи сегмент эса Чорвачилик бўйича умумий харажатлари **1047568 минг** сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич хўжаликнинг умумий харажатлар улушида 73,12 % ни ташкил этади.

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак биринчи сегмент бўйича харажат кўрсаткичи кам, фойда кўрсаткичи эса юқори экан. Иккинчи сегмент бўйича эса харажат кўрсаткичи юқори, фойда кўрсаткичи эса кам. Учинчи сегмент бўйича эса харажат кўрсаткичи кам, фойда кўрсаткичи юқори экан. Демак хулоса қиладиган бўлсак иккинчи сегментдан самарали фойда олинмаётганини кўришимиз мумкин. Хўжалик бухгалтери харажатлар бўйича ҳисобот тузмасдан туриб бу хулосани раҳбарга етказиб бериши қийин.

## II боб бўйича хулоса

1. Республикамизда ҳисоботларни электрон шаклда топширишга ўтишининг изчил модели, тизимини яратиш лозим деб ўйлаймиз. Ҳисоботларни тақдим этишнинг прогрессив шаклига Ғарб давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида муҳим ўзгартиришлар киритиш асосида ахборотлар қабул қилишнинг ягона тизимини ҳам шакллантириш мумкин.

2. Фермер хўжалиги раҳбари тезкор қарорлар қабул қилиш ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини қандай тартибда шаклланаётганлигини ҳамда ишлаб чиқариш тизимини назорат қилиш мақсадида бошқарув ҳисоби ҳисоботларига муҳтожлик сезади. Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларининг жрий этилмаслиги эса бу жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан фаолият юритаётган кўп сегментли фермер хўжаликлари албатта бошқарув ҳисоботларини ташкил этсалар ва юритсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Хўжалик балансидаги асосий воситалар таркибидаги техникаларни билан бошқа хўжаликларга ҳам хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бу фаолият натижасида хўжаликга **36658 минг** сўм фойда олиб келишини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич эса хўжалик умумий молиявий натижасидаги улуши 3,57 % ни ташкил этади. Хўжаликда бошқарув ҳисоботларини тузиш натижасида юқоридаги маълумотларга эга бўлдик. Агарда бошқарув ҳисоботини тузмаганимизда ҳамда хўжалик ҳисобини сегментларга бўлиб чиқмаганимизда бундай аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлмаган бўлар эдик.

4. “Азизжон” фермер хўжалиги сегментларининг харажатларини ўрганиб чиқилганида харажатлар бўйича тузиладиган ҳисоботда режа кўрсаткичларининг мавжуд эмаслигини кузатдик. Режа кўрсаткичларининг асосий мақсади йил бўйи қилинган ҳақиқий харажатларни режа кўрсаткичлари билан таққослашдан иборат.

### **III боб. Фермер хўжалигикларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларни уйғунлаштириш**

#### **3.1. Фермер хўжаликларида ҳисоботларни тузишнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 2-моддасига биноан бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ, ҳаққоний, ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдан иборат. Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири бўлиб молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини ташкил этиш билан боғлиқ камчиликлар вужудга келмоқда.

Бу борада Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Кўпгина хўжаликларда ҳисоб-китоб ишлари бузулган ва чалкаштирилиб юборилган. Ҳисоб-китобда тартиб ўрнатмасдан туриб бугун қишлоқ хўжалигида ҳам тартиб ўрнатиб бўлмайди. Бу маълум ҳақиқат».

Шу боис бугунги кунда ҳаққоний ва талаб даражасидаги ҳисоботларга эга бўлиш учун ҳисоб-китоблардаги мавжуд камчиликларни тугатиб уларни қонун талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда юритиш долзарб масала ҳисобланади.

Шунга эришиш лозимки, корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг фаолияти ҳақидаги ҳақиқий ахборот манбаи бўлиб хизмат килсин. Унга талабни ошиши шу билан ҳам боғлиқки у мулк эгалари ва корхона маъмуриятига асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга асосдир.

Қонуннинг 7-моддасига кўра талабидан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади. Раҳбар ўз ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида кўшимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эга. Молиявий ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ресурсларни бошқариш натижаларини кўрсатади.

Молиявий ҳисобот шаклларини ҳамда статистика ҳисоботи шаклларининг айрим бўлимларини тўлдиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган

“Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича Қоидалари, ҳисоботларни шакллантириш бўйича тегишли: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 26 июлдаги №17-07/86 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлдаги №17-17/86 сонли буйруғи билан тасдиқланган №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августдаги №43-сонли буйруғига билан тасдиқланган «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрдаги № 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 16 октябрдаги № 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2004 йил 1 мартдаги №36-сонли буйруғи тасдиқланган «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2003 йил 12 мартдаги № 45-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия баланси» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрга № 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятнинг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари» номли, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1999 йил 23 ноябрдаги № 87-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида» номли, Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда “Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом ва бошқа бир қанча меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия баланси (1-сонли шакл) 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Бухгалтерия баланси актив ва пассив қисмлардан иборат. Баланс активида маблағлар қуйидаги бўлимлар бўйича тасдиқланган:

1-бўлим. Узоқ муддатли активлар;

2-бўлим. Жорий активлар.

Баланс пассивида ҳам маблағлар манбалари икки бўлимга бўлинади;  
1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари;  
2-бўлим. Мажбуриятлар.

Баланс активининг 1-бўлими «Узоқ муддатли активлар»да узоқ фойдаланиладиган активлар (асосий воситалар, узоы муддатли ижара шартномаси бўйича олинганасосий воситалар, номоддий активлар,узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қуйилмалар, узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатлар) акс эттирилади. Балансда улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

Асосий воситаларузоқ муддатли активлар бўлиб, ундан ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадда фойдаланилади ёки ижарага берилади, аммо қайта сотиш учун мўлжалланмаган. Балансда улар дастлабки қиймати, эскириш ва қолдиқ қийматлари бўйича акс эттирилади.

Номоддий активларбалансда алоҳида модда сифатида акс эттирилади. Номоддий активлар моддаси корхонанинг интеллектуал мулк объектлари ва номоддий активларга бўлган мутлоқ ҳуқуқларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг қиймати ҳақидаги маълумотларни акс эттиради. Номоддий активлар ҳам асосий воситалар сингари балансда дастлабки, эскириш ва қолдиқ қийматлари бўйича акс эттирилади.

Инвестициялар ва қўйилмалар. Инвестиция ва қуйилмаларнингтуркумланиши ўз ичига узоқ муддатли сармоялар ва эҳтиёж тугилганда узоқ муддатда ишлатиш учун махсус мақсадли жамғармалардаги пул маблағларини олади.

Узоқ муддатли инвестициялар бухгалтерия ҳисобида сотиб олиш қиймати (таннархи) ёки соф сотиш қиймати бўйича кўрсатилади. Агар инвестициянинг бозор баҳоси таннархидан паст бўлса, уни бозор баҳосига тенглаштириш мақсадида қайта баҳолаш амалга оширилади.

Муддати узайтирилган харажатларда,одатда, келгуси ҳисобот даврига қарашли узоқ муддатли харажатларнинг олдиндан тўлови натижалари ҳисобланади. Бунга асос тегишли ҳисобот даврида харажат бўлиб ёзилмагунча, улар активлар бўлиб ҳисобланади. Жорий активлар, деб тавсифланган олдиндан тўланган харажатлар ва муддати узайтирилган харажатларорасидаги фарқ уларни ҳисобдан чиқариш муддати бўлиб ҳисобланади. Муддати узайтирилган харажатлар деганда бўнак тариқасида тўланган харажатлар, хизматлар тушунилади.

Баланс активининг 2-бўлими «Жорий активлар» деб аталади. Балансда жорий активлар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

- товар-моддий захиралартаннархи ёки соф сотиш қийматидан энг кам қиймати бўйича баҳоланади. Таннархни белгилашда ишлаб чиқариш

фирмаси тугалланиш босқичларини кўрсатиши лозим (хом ашё материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар).

- олдиндан тўланган харажатлартуркумлашда ҳисобга олинадиган яна бир соҳадир. Олдиндан тўланган харажатлар буюртма қилинган хизматларни амалга оширгунга қадар тўланган пул маблағларидир: масалан, июн ойи учун ижара ҳақи 31 майда тўланган. Қисқа муддатли олдиндан амалга оширилган тўловлар жорий активлар сифатида, узоқ муддатли олдиндан амалга оширилган тўловлар эса узоқ муддатли активлар, деб классификацияланиши керак.

- қисқа муддатли инвестициялар- кўп ҳолларда ўз ичига корхона кассасидаги қимматбаҳо қоғозларни, пул бозори жамғармалариини ни тижорат қоғозларини олади. Қисқа муддатли инвестициялар пул маблағлари ёки пул эквивалентлари деб тушунилиши мумкин ва улар сотиб олиш қиймати ва жорий бозор қийматидан энг паст қиймати бўйича баҳоланади.

- пул маблағлари – кассадаги пул маблағлари, ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари, чет эл валютасидаги пул маблағлари ва бошқа пул маблағлари.

- дебиторлар- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга берилган бўнақлар, мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар, бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича бўнақ тўловлари ҳамда бошқа дебиторлик қарзлари.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат бўлади:

- ўз маблағлари манбалари (хусусий капитал);
- мажбуриятлар.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида ўз маблағлари манбалари акс эттирилиб, улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

- устав капитали. Устав капитали одатда, унинг таъсисчилари қўшган бадаллари эвазига ташкил бўлади. Унинг кўпайиши хўжалик фаолияти давомида оладиган фойда эвазига амалга ошади. Зарур ҳолларда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари эвазига ҳам кўпайиши мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, бухгалтерия балансида устав капиталининг миқдори таъсис ҳужжатларида қайд этилган миқдор билан бир хил бўлиши лозим;

- кўшилган капитал. Кўшилган капитал - бу акциядорлик жамиятларида акцияларни эмиссия қилишда номинал қийматидан юқори қийматга сотиш эвазига олинган эмиссион даромад ҳамда устав капиталида чет эл улуши мавжуд бўлган корхоналарда устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларидан олинган даромадлардир;

- захира капитали. Захира капитали корхона уставига асосан фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралардан, инфляция захираларидан мулкни қайта баҳолаш учун қайта ташкил қилинган захиралар, қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклар қийматидан иборат бўлади;

- тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар). Тақсимланмаган фойда корхонанинг ўтган ва ҳисобот йилида тақсимланмай қолган фойда миқдорининг маълум бир муддатга қолдиғини ифодалайди;

- мақсадли тушумлар ва жамғармалар. Мақсадли тушумлар ва жамғармалар - бевосита бирор мақсадли тадбирларни ўтказишга қаратилган маблағларни ўз ичига олади. Буларга: болалар боғчалари, яшаш ва бошқа бинолар қуриш, илмий-тадқиқот ишларини таъминлаш каби тадбирларга мўлжалланган маблағлар киради;

- келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари.

Балансинг пассив томонидаги иккинчи бўлимида ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган ва маълум муддатдан кейин қайтарилиши шарт бўлган мажбуриятлар жамланган. Бу мажбуриятлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар, муддати узайтирилган мажбуриятлардан ҳамда турли кредитор қарзлардан иборат бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли мажбуриятлар- бу ҳисобот йили давомида жорий активларни тўлаш учун ишлатилишини талаб қилмайдиган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятлар берилган мажбуриятларнинг келиб чиқишига олиб келган активлар ёки кўрсатилган хизматларнинг қийматлари бўйича тан олинади. Узоқ муддатли мажбуриятларга мисол қилиб, тўланадиган облигациялар, тўланадиган узоқ муддатли векселлар, нафақалар, муддати узайтирилган узоқ муддатли даромадлар (мижозлардан узоқ муддатли тўловлар) ва узоқ муддатли ижара мажбуриятларини келтириш мумкин.

Муддати узайтирилган мажбуриятлар. Муддати узайтирилган мажбуриятларга киритилган намунали моддалар - бу узоқ муддатли муддати узайтирилган солиқлар, кечиктирилган даромадлар (узоқ даврда йиғилган даромадлар) ва капитал қўйилмаларнинг муддати узайтирилган солиқ чегирмаларидир.

Қисқа муддатли мажбуриятлар ўз ичига жорий активлар билан қопланиши ёки бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар билан қайта молиялаштирилиши лозим бўлган мажбуриятларни олади. Қисқа муддатли мажбуриятлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг асосий фаолиятига тегишли товар ва хизматлар учун тўланадиган счётлар;

- келгуси ҳисобот даврига тегишли бўнак сифатида олинган

даромадлар (олдиндан олинган ижара тўлови);

- иш ҳақи, фоизлар ва солиқларни тўлаш (бюджетга ўтказилмаган даромад солиқлари ва мол-мулк солиқларини қўшган ҳолда) бўйича мажбуриятлар;

- таъсисчилар олдидаги қарздорлик;

- ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми;

- қисқа муддатли кредит ва қарзлар.

“Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” номли 3-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ҳамда “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари” га мувофиқ жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

“Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда – маҳсулотларни сотишдан олинган даромад суммасидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш йўли билан аниқланади, яъни ялпи фойда қуйидагича аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ = ССТ - ИТ}$$

бунда:

ЯФ - маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

ССТ- маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда сотишдан олинган ялпи фойда суммасидан давр харажатлари чегирилиб, асосий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлари қўшилади ва қуйидагича аниқланади:

$$\mathbf{АФФ = ЯФ - ДХ - БД - БЗ}$$

бунда:

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ЯФ - ялпи фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа субъектнинг асосий фаолияти натижасида олинган фойда суммасидан молиявий фаолияти натижасида кўрилган зарар суммаси чегирилади ва олинган фойда

суммаси қўшилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

бунда:

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ — молиявий фаолият харажатлари.

- солиқ тўлангунга қадар фойда умумхўжалик фаолияти молиявий натижасига фавқулодда ҳолатлардан олинган фойда суммаси ёки кўрилган зарарларнинг суммаси чегирилади.

$$СТФ = УФ - ФЗ + ФФ$$

- ҳисобот даврининг соф фойдаси солиқ тўлангунга қадар фойдадан даромад солиғи ва фойдадан тўланадиган бошқа солиялар ва мажбурий тўловлар суммасини чегириш йўли билан аниқланади.

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - фойдадан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Ҳисобот даврининг соф фойдасини ҳисоблаш учун бухгалтер ёпиладиган ўтказмаларни тузиши лозим, бошқача қилиб айтганда, бу “балансни реформация қилиш (ўзгартириш)” деб аталади. Корхоналарнинг ҳисобот топшириш даврларидан қатъий назар, ёпиладиган ўтказмаларни ҳар ойда тайёрлаш мақсадга муфовиқдир. Бу қуйидаги муҳим кўрсаткичлар: ялпи даромад, даромад ва харажатлар, тақсимланмаган фойда ва бошқалар тўғрисида тезкор маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Юқоридаги қоидаларга бўйсуниб даромадлар ва харажатлар ҳисобининг оптимал ташкил қилиниши, молиявий ҳисоботнинг эса объектив ва ишончли бўлишини таъминлайди.

Хўжаликда содир бўлган фойда (зарар) молиявий натижалар тариқасида “молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисоботда акс эттирилади. Ушбу ҳисобот (2-шакл) 9000, 9100, 9300, 9410, 9420, 9430, 9440, 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590, 9610, 9620, 9630, 9710, 9720, 9810, 9820, 9910-счётлар маълумотлари асосида тузилади.

“Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг сатрлари қуйидаги тартибда шаклланади:

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат

солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади. 010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш счётлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш счётларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади.

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади.

“Давр харажатлари, жами” моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Сотиш харажатлари” моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410-“ Сотиш харажатлари” счётида юритиладиган: маҳсулотни сотиш қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

“Маъмурий харажатлар” моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420-“Маъмурий харажатлар” счётида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

“Бошқа операцион харажатлар” моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счётида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот-таҳлил, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” моддаси бўйича (080-сатр) Солиқ кодексида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври

харажатлари акс эттирилади ва 9440-“Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” счётида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш счётларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарима ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

“Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

“Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами” моддаси бўйича (110-сатр) 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Дивидендлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520-“Дивидендлар кўринишида даромадлар” счётида юритиладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушни иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби 9530-“Фоизлар кўринишида даромадлар” счётида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540-“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” счётида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами” моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610-“Фоизлар кўринишида харажатлар” счётида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби 9610-“Фоизлар кўринишида харажатлар” счётида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620-“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” счётида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

“Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) кўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

“Фавқулодда фойда ва зарарлар” моддаси бўйича (230-сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, “Даромадлар (фойда)” устуни 9710-“Фавқулодда фойдалар” счётининг маълумотлари, “Харажатлар (зарарлар)” устуни эса 9720-“Фавқулодда зарарлар” счётининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)” моддаси бўйича (240-сатр) +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни кўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

“Даромад (фойда) солиғи” моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, 9810-“Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар” счётида ҳисобга олинган сумма кўрсатилади.

“Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар” моддаси бўйича (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ўз фойдасидан тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасини акс эттирадилар.

“Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)” моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

“Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома”да (280-470-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва

тўланадиган солиқлар ва тўловлар турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 440-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади. Мазкур маълумотноманинг 480-сатрида корхоналар томонидан ҳисобот даври учун бюджетга солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг ҳисобланган ва тўланган жами суммаси кўрсатилади.

Агарда корхоналарда ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ мавжуд бўлса, “Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади” устуни бўйича 310-сатрда ушбу манфий фарқ суммаси “минус” белги билан кўрсатилади.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот даври давомидаги молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттиради.

Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари №41 1-FX (йилда 2 марта июнь, декабрь), №41.1 2-FX (йилда 2 марта июнь, декабрь) ва №40 1-FX (йиллик) статистика ҳисоботларини топширадилар. Фермер хўжаликлари №40 1-FX (йиллик) статистика ҳисоботининг таркибий тузилиши XVIII бўлимдан иборат.

I Бўлимдақишлоқ хўжалиги экинлари майдони ва йиғилган ялпи ҳосил ҳақидаги маълумотлар бўлиб, ушбу бўлим таркибида асосан жорий йил ҳосили учун экилган барча экинлар ҳамда жорий йил ҳосили учун ўтган йилнинг кузида экилган кузги экинлар ўрин олган. Экинларнинг ҳар бири тури бўйича экилган ер майдони билан биргаликда ялпи ҳосили ҳам тоннада акс эттирилган. Шу жумладан бўлида ёпиқ ерлар номли жадвал бўлиб унда ёпиқ ерлар (иссиқхона, парник)ларнинг умумий майдони ва олинган ҳосил тоннада акс эттирилади. Мазкур бўлим 101 сатрдан 159 сатрларни ўз ичига олади.

II Бўлимда боғлар, резаворлар ва тоқзорлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, барча ёшдаги боғлар, резаворлар ва тоқзорлар шу жумладан: ҳосил берадиган ёшдагилари ҳамда йиғилган ялпи ҳосил (центнер) кўринишида умумий маълумотларни ўз ичига олади. Меваларнинг ҳар тури бўйича жумладан: уруғлилар, данаклилар, ёнғоқ мевалилар, субтропик мевалар, резавор мевалар, цитрус мевалар ҳамда тоқзорлар ҳақидаги умумий маълумотлар 201 сатрдан 210 сатрларни ўз ичига олади.

III Бўлимда эса кўчатлар ва ниҳоллар етиштириш ҳисобланиб, ушбу бўлимда асосан мевали дарахт кўчатлари, узум кўчатлари, терак кўчатлари, тут кўчатлари, манзарали дарахтлар кўчатлари ҳамда гул кўчатларини

улурнинг эгаллаган умумий майдонини ва миқдорини минг донада акс эттирган ҳамда кўчатлар ва ниҳолларни етиштириш бўлими 301 сатрдан 306 сатрлари ўз ичига олган.

IV Бўлимда тутзорлар ва теракзорларнинг ил бошидан умумий ер майдонини аниқлаш ифода этилган. Ушбу бўлимда тутзорлар плантацияси гектар ҳисобида, тут қаторлари минг туп ҳисобида, теракзорлар гектар ҳамда терак қаторлари минг тўп ҳисобида келтирилган бўлиб улар 401 сатрдан 404 сатрларда ифода этилган.

V Бўлим ўғит солиш бўлиб, мазкур бўлимда жами экин турлари бўйича солинган минерал ва органик ўғитлар турлари бўйича 100 % озиқ модда ҳисобида центнерда акс этирилган. Мазкур бўлимда минерал ва органик ўғитлар бўйича ўғитланган майдонлар гектар ҳисобида акс этирилган. Бу бўлимнинг асосий мақсади ҳар бир экин турларини белгиланган меъёрлар даражасида солинган ёки солинмаганлиги акс этириб улар, 501 сатрдан 512 сатрларни ўз ичига олади.

VI Бўлим чорва моллари ва паррандалар бош сонининг ҳаракати бўйича ҳисобот йили бошидаги, олинган насл (очирилган жўжалар), сотиб олинган ва бошқа тарзда олинган, сўйилган (сўйиш учун сотилганини кўшган ҳолда), сотилган, барча ёшдаги нобуд бўлган, ҳамда ҳисобот йилидаги мавжуд чорва моллари ҳисоби 601 сатрдан 607 сатрларда юритилади.

VII Бўлим. ҳисобот йили охирида мавжуд, бош сони бўлиб бу бўлимда асосан ҳисобот йили охирига умумий хўжаликдаги мавжуд чорванинг бош сони аниқланади ҳамда 701 сатрдан 713 сатрларда ҳисоби юритилади.

VIII Бўлим. чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлими бўлиб, бу бўлимда асосан етиштирилган маҳсулотларнинг ўлчов бирлиги, қанча етиштирилганлиги ҳамда сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар, (тирик вазнда) ҳисоби 801 сатрдан 810 сатрларда юритилади

IX Бўлим балиқ овлаш бўлими бўлиб овланган балиқларнинг жами тоннада келтирилади ва шу жумладан табиий сув ҳавзаларидан овланган балиқлар ҳисоби ҳам юритилади. Мазкур бўлим 901 сатрдан 912 сатрларни ўз ичига олади.

X Бўлим. ўрнини тўлдириш чора-тадбирлари бўлими бўлиб, бу бўлимда асосан балиқларнинг сони минг донада олиниб ҳақиқатда бажарилганини кўрсатади ва ушбу бўлим 1001 сатрдан 1006 сатрларни ўз ичига олади.

XI Бўлим. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўлими бўлиб мазкур бўлимда ишлаб чиқарилган ҳамда сотилган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори тоннада ва қиймати минг сўм ифодасида

келтирилади. Бу бўлим эса 1101 сатрдан 1126 сатрлани ўз ичига олади.

XII Бўлим. асосий қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳаракати бўлими бўлиб, мазкур бўлимда йил бошидаги мавжуд техникалар, балансга киритилган техникалар, шу жумладан сотиб олингани:, балансдан чиқарилгани шу жумладан: сотишга чиқарилгани ҳамда чиқимга чиқарилгани ва йил охиридаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳаракати ҳисоби юритилади. Бу бўлим эса 1201 сатрдан 1218 сатрларда ҳисоби юритилади.

XIII Бўлим. меҳнат бўлими бўлиб, бу бўлимда рўйхатдаги ходимларнинг (ташқи ўриндошларсиз) йиллик ўртача сони, ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар (ташқи ўриндошлар, шу билан бирга, фуқаролик - ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ва рўйхат таркибидан ташқари бошқа ходимларсиз) сони, ходимларга ҳисобланган жами иш ҳақи фонди (ташқи ўриндошлар, шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ва рўйхат таркибидан ташқари бошқа ходимларни қўшган ҳолда, ҳисобот даври охирига рўйхатдаги ходимлар (ташқи ўриндошларсиз) сони, 1305 сатрдан: 18 ёшдан кичик ходимлар сони, 1305 сатрдан: 2014/2015 ўқув йилида касб - ҳунар коллежлари битирувчилари, рўйхат таркибида турмайдиган мавсумий ходимларнинг ва фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг йиллик ўртача сонининг ўлчов бирлиги киши ҳамда ҳисобланган иш ҳақи ҳисоби минг сўмда олиб борилиб, улар 1301 сатрдан 1308 сатрларда юритилади.

XIV Бўлим. асосий молиявий кўрсаткичлар бўлими бўлиб, бу бўлимда асосан ҳисобот йилидаги асосий молиявий кўрсаткичлар ифода этилади. Ҳамда мазкур бўлим 1401 сатрдан 1410 сатрларда юритилади.

XV Бўлим. номолиявий активларга инвестициялар бўлими бўлиб, бу бўлимда асосий фондларни ишга тушириш – жами (янги асосий воситалар, импорт орқали харид қилинган, норезидентлар томонидан илгари ишлатилган асосий воситаларни қўшган ҳолда), нотураржой бино, иншоотлар ва узатма қурилмалар, асосий капиталга киритилган инвестициялар (1503+1504+1505+1507 сатрлар) (янги асосий воситалар), машина, ускуналар, жиҳозлар қиймати (ускуналарни монтаж қилиш харажатларидан ташқари), бошқа харажатлар 1502 сатрдан: қурилиш - монтаж ишлари улардан : асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича ишлар 1502 сатрдан: Қурилиш: янги, реконструкция, модернизация ва техникавий қайта қуроллантириш, бошқа йўналишлар, 1502 сатрдан қуйидагилар ҳисобига корхонанинг ўз маблағлари банклар кредитлари (банклар билан лизинг шартномаларини қўшган ҳолда) ва бошқа ташкилотларнинг қарз

маблағлари (лизинг компаниялар ва бошқа резидент ташкилотлар билан лизинг шартномаларини қўшган ҳода), молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан бошқа ноолиявий ноайланма активларга инвестицияларни ўз ичига олиб бу бўлимнинг ҳисоби 1501 сатрдан 1515 сатрларда юритилади.

XVI Бўлим. ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўлими бўлиб, мазкур бўлимда Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (қўшилган қиймат солиғисиз ва акцизсиз), амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан: озиқ - овқат маҳсулотлари (вино - ароқ маҳсулотлари ва пиво қиймати бунга кирмайди), ноозиқ - овқат моллари улардан: енгил саноат моллари, Буюртмачи томонидан берилган қайта ишланган хом - ашё қийматининг ҳисоблари мазкур бўлимда ва 1601 сатрдан 1607 сатрларда юритилади.

XVII Бўлим. кўрсатилган хизматлар, (ҚҚС сиз) бўлимида кўрсатилган хизматларнинг ҳажми ва турлари бўйича қиймат ифодасида минг сўмда акс эттирилади.

XVIII Бўлим. ахборотлаштириш воситалари бўлиmidир. Мазкур бўлимда Компьютерлар сони шулардан, интернет тармоғига уланганлари ўлчов бирлиги бирликда ҳисобот йили охирига бўлган ҳисоби 1801 ва 1802 сатрларда юритилади.

Агар ҳисоботда кўрсатилган маълумотлар олдинги даврларда тақдим этилганидан тубдан фарқ қилса, сабабини кўрсатган ҳолда изоҳ берилади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асосига кўра молиявий ҳисоботнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, фаолияти, молиявий аволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради. Шу боис халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботларини жорий этиш ва юритиш жуда самарали ҳисобланади.

### **3.2. Фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларини уйғунлаштириш масалалари**

Фермер хўжаликлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисобот шаклларида, 1-сонли шакл “Бухгалтерия баланси” ва 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот ҳамда 2а шакл Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома иборат бўлган, йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тақдим қилади.

Шунингдек, фермер хўжаликлари Давлат Статистика Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган давлат статистика ҳисоботларини ҳам туман статистика бўлимларига чораклик ва йиллик тарзда тақдим этадилар. Ҳар бир фермер хўжаликлари туман статистика бўлимларига қуйидаги, №41 1-ФХ ва №41.1 2-ФХ лардан иборат бўлган чораклик ҳисоботларни йилига икки марта июнь ва декабрь ойларда ҳамда №40 1-ФХ (йиллик) статистик ҳисоботини белгиланган муддатидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этиши лозим.

Бошқарув ҳисоботлари эса ички корхона ҳисоботи шакли бўлганлиги учун ҳам ҳеч қандай шакл ва уларни тўлдириш муддатлари ишлаб чиқилмаган. Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисоботлари хўжаликнинг ички ҳисобот шакли бўлганлиги учун ҳеч қандан ваколатли органларга тақдим этилмайди. Бошқарув ҳисоботлари фақатгина хўжалик раҳбарининг самарали ва ишончли қарорлар қабул қилишлари учун фойдаланилади.

Фермер хўжаликлари молиявий ҳисобот шакллари ҳамда статистика ҳисоботларини ўз вақтида тузиб тақдим этиш жараёнида молиявий ҳисобот маълумотларидан статистика ҳисоботларида ҳам фойдаланади. Демак, агар молиявий ҳисобот шаклларида кўринган маълумотлар статистика ҳисоботларида ҳам кўринадиган бўлса статистика ҳисоботини тузиш ва тақдим этишдан нима натижага эришиш мумкин.

Молиявий ҳисоботларда хўжаликнинг молиявий йил давомидаги умумий иқтисодий кўрсаткичлари фақатгина қиймат кўринишида бўлади. Статистика ҳисоботида эса кўрсаткичлар натура, меҳнат ва қиймат ифодасида ҳам бўлади. Шу ахборотлар билан чекланиб қолмасдан хўжаликда қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ва йиғилган ялпи ҳосил, экин майдонларига ўғит солиш, хўжаликда чорва моллари ва паррандалар бош сонининг ҳаракати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, асосий қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳаракати, меҳнат, асосий молиявий кўрсаткичлар ҳамда номолиявий активларга инвестициялар номли ахборотлар фермер хўжалигининг статистика ҳисоботидаги маълумотлар

ҳажмини ҳам ишонарли ҳам аниқ тавсифини очиб беради.

Фермер хўжаликларида молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларини уйғунлаштириш масалалари юзасидан ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилган “Азизжон” фермер хўжалиги маълумотларидан фойдаланилди. Унга кўра молиявий ҳисобот шакллардан 2-сонли “молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг 010 сатридаги 2268529 минг сўм статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” номли бўлимининг 1401 сатрида кўринади. Бу шунчаки молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботдаги маълумотдан нусха эмас. Молиявий ҳисоботнинг молиявий натижалар тўғрисидаги шаклининг 010 сатри “Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум”да кўринган 2268529 минг сўм статистика ҳисоботининг “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш” номли бўлимида ҳар бир қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва қиймати билан берилади. Маҳсулот турлари бўйича ажратилиб, ҳар бирининг миқдори ва қиймати белиланади. Биринчи маҳсулот тури донли экинлар (1101-1105 сатрлар) бўлса унинг таркибига буғдой, маккажўхори ва шоли экинлари киради. Умумий бу экинларнинг жами 1101 сатрга йиғилади. 1103 сатр буғдой бўлса 1104 сатр маккажўхори ҳисобланади. Буғдой 12,5 тонна 5229 минг сўмга сотилган. Маккажўхори эса 50 тонна 42500 минг сўмга сотилган. Умумий донли экинлар бўйича сотишдан тушган тушум 1101 сатрда 47729 ни ташкил қилади.

Картошка ва сабзовотчилик 1110 ва 1111 сатрлар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори 1110 сатр картошка 69,9 тоннани ташкил этган ҳамда умумий қиймати 75831 минг сўм бўлган. Сабзовотчилик 1111-сатр бўйича эса 115,8 тонна қиймати 141668 минг сўмни ташкил этган.

Мол ва паррандалар (зотли молларсиз), тирик вазнда сотилган умумий қиймати 1115-сатрда йиғилади. Бу 1115 сатр йирик шохли қора моллар 1116- сатр, қўй ва эчкилар 1117 сатр, чўчқалар 1118 сатр, паррандалар 1119-сатрларнинг умумий йиғиндисидан ташкил топади. “Азизжон” фермер хўжалигининг чорвачилик сегментида қорамоллар тирик вазнда сотилади. Статистика ҳисоботида 1116 сатрда 39,8 тонна миқдордаги қорамол 547290 минг сўмга сотилган.

Сут бўйича эса статистика ҳисоботида 1120 сатрда ҳисобга олинади. 1120 сатрда 825,9 тонна маҳсулот 1445259 минг сўмни ташкил этган.

“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш” бўлимида сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий сатрлар бўйича йиғилган қиймати 2257777 минг сўмни ташкил этган. “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимида “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум” 1401 сатрда эса 2268529 минг сўмни ташкил этган. Молиявий

ҳисоботнинг 2-шакл Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 010 сатри “Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум”да ҳам 2268529 минг сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Демак, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 сатри билан статистика ҳисоботининг 1401 сатри кўрсаткичлари бир хил натижани кўрсатмоқда, лекин статистика ҳисоботининг “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш” бўлимининг умумий қиймати йиғиндисининг фарқи 10752 минг сўмни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби XI бўлим “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш” бўлимида хўжаликнинг фақтгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича даромадлар кўринади. Аслида XIV бўлим “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум” 1401 сатрдаги 2268529 минг сўмнинг таркибида бошқа даромадлар, жумладан техника хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар ҳам акс этган. Техника хизматларидан олинган даромадлар ва кўринишдаги даромадлар 10752 минг сўмни ташкил этган.

Фермер хўжаликлари статистик ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида” статистик ҳисобот шаклини тўлдириш бўйича тушунтиришларда ҳисобот шаклини тўлдириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича Қоидаларга амал қилиш лозим дейилган. Фермер хўжаликларининг статистика ҳисоботлари “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1402 сатрида “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”да 1833841 минг сўм мавжуд. Бу кўрсаткич молиявий ҳисоботнинг “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботининг 020 сатри “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи”да ҳам мавжуддир. Бу кўрсаткичларнинг қиймати бир бирига тенгдир. Лекин статистика ҳисоботининг 1402 сатри “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”да 1833841 минг сўм бўлса, 1403 сатри шу жумладан: ишлаб чиқариш моддий харажатлари 1329410 минг сўм деб кўрсатилган. Аслида юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларда таннархни ташкил этувчи харажатлар бевосита моддий харажатлар, бевосита меҳнат ҳақи харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш устама харажатларидан ташкил топади. Фермер хўжаликлари статистика ҳисоботларида фақатгина моддий харажатлар графаси мавжуд. Таннархни ташкил этувчи харажатлар

фақатгина моддий харажатлардан иборат эмас. Шу сабабдан статистика ҳисоботининг 1402-сатри “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” графасида қиймат кўрсатилганидан кейин фактгина моддий харажатлар эмас, балки меҳнат ҳақи харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳам кўрсатилиши керак. Мазкур маълумотлар мавжуд ҳолларда ахборотдан фойдаланувчилар аниқ ва тушунарли маълумотларга эга бўлади.

Фермер хўжаликларининг статистика ҳисоботлари “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1404 сатри Давр харажатлари ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳисобот шаклидаги 2-шакл “Молиявий натижаларни шакллантириш” тўғрисидаги ҳисоботда 040 сатр давр харажатларининг жами маълумотлари бир хил қийматга эга бўлади. Хўжалик статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1404 сатрида 225740 минг сўм мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоботнинг “Молиявий натижаларни шакллантириш” тўғрисидаги ҳисоботнинг 040 сатрида ҳам 225740 минг сўм мавжуд. Лекин, статистика ҳисоботнинг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1405 сатри Бошқа харажатлар таркиби ҳисобланади. Статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимини тўлдиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ қарайдиган бўлса “Бошқа харажатлар” “Давр харажатлар”ининг таркибига киритилган. Шу боис статистика ҳисоботида ҳам “Бошқа харажатлар” графаси “Давр харажат”лари таркибига ўтказилса юқоридаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро уйғунлашган ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларга тушунмовчиликлар пайдо бўлмас эди.

Маълумот учун, 1402 ва 1404 сатрдан: 1406 сатр ижара тўлови, 1407 сатр банк хизмати, депозитарий, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматига тўловлар, 1408 сатр асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, 1409 сатр ижтимоий суғуртага ажратмалар харажатлари мавжуд. Фермер хўжалиги статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1406 сатри *ижара тўлови* молиявий ҳисоботнинг “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботининг таннархни ташкил этувчи харажати бўлса 020 сатри “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи” да агарда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажат бўлса молиявий ҳисоботнинг 040 сатри “Давр харажатлари” жамланмасида ўз аксини топади. Статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар”

номли бўлимида ҳам агарда таннархни ташкил этувчи харажат бўлса маълумот учун берилган 1402-сатр “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”да, агарда таннархни ташкил этувчи харажат бўлмаса 1404-сатри “Давр харажатлари” таркибида бўлади. Фермер хўжалиги статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1407-сатри “банк хизмати, депозитарий, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматларига тўловлар” молиявий ҳисобот таркибидаги “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботининг 040 сатри “Давр харажатлари” жамланмасида ўз аксини топади. Статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1407-сатри “банк хизмати, депозитарий, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматларига тўловлар”да 137840 минг сўм ифода этилган бўлиб бу кўрсаткич маълумот учун берилган 1404-сатр “Давр харажатлари” таркибида ҳисобга олинади. Бу кўрсаткич умумий ҳолда маълумот учун ажратиб кўрсатилган. Фермер хўжалиги статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1408-сатри “Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси” да 177804 минг сўм ифода этилган. 1408-сатр “Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси” кўрсаткичи агар таннархни ташкил этувчи харажат бўлса, 1402 сатр “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”да ҳамда молиявий ҳисоботнинг 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботнинг 020 сатрида ифодаланиши керак. Агар 1408-сатри “Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси” 177804 минг сўм таннархни ташкил этувчи харажат бўлмаса 1404-сатр “Давр харажатлари”да ва молиявий ҳисобот таркибидаги 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботининг 040 сатри “Давр харажатлари” жамламасида ўз ифодасини топиши керак эди. Статистика ҳисоботида бу кўрсаткич умумий қилиб берилган ва маълумот учун 1402 ва 1404 сатрлардан деб берилган. Ахборотдан фойдаланувчилар асосий воситаларнинг умумий амортизациясини билганлари билан унинг қайси харажат турига мансублигини ажрата олмаса аниқ ва ҳаққоний ахборотга эга бўла олмайди. Шу боис 1408 сатрга қўшимча қилиб, жумладан: асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг амортизацияси ҳамда сотиш ва маъмуриятда банд бўлган асосий воситаларнинг амортизацияси. Фермер хўжалиги статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1409 сатри “Ижтимоий суғуртага ажратмалар” бўлиб, унинг кўрсаткичлари ҳам ноаниқ тарзда келтирилган. Агар мазкур харажат тури ишлаб чиқариш таннархи билан боғлиқ харажатлар бўлса 1402 сатр “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” да ва Молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий

натижаларни шакллантириш” тўғрисидаги ҳисоботнинг 020 сатри “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи” да шакллантирилиш керак эди. Агар мазкур харажат тури таннархни ташкил этмайдиган харажат тури бўлса у ҳолда статистика ҳисоботининг 1404 сатри “Давр харажатлари” ва молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий натижаларни шакллантириш” тўғрисидаги ҳисоботнинг 040 сатри “Давр харажатлари” жамланмасида ўз ифодасини топиш керак. Демак, “Азизжон” фермер хўжалиги статистика ҳисоботидан ахборотдан фойдаланувчилар бевосита фойдаланмоқчи бўлсалар, албатта “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимидаги ноаникликлар ва тушунмовчиликлар вужудга келиши мумкин. Шу сабабдан Давлат Статистика Қўмитаси ва статистика органлари фермер хўжаликлари статистика ҳисоботларини қайта ишлаб фойдаланувчилар учун қулай бўлишини таъминлашлари лозим.

Фермер хўжаликлари сатистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1410 сатри “бошқа даромадлар – жами” деб номланган графа молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботнинг 090 сатри “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” деб номланувчи графа билан узвий боғлиқдир. Статистика ҳисоботининг “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1410 сатри “Бошқа даромадлар - жами”даги маълумотлар молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий натижаларни” тўғрисидаги ҳисоботнинг 090 сатридан олинади. Шу боис молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботнинг 090 сатридаги “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” 20999 минг сўм статистика ҳисоботнинг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1410 сатри “бошқа даромадлар – жами” билан тенг. Яъни статистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” бўлимининг 1410 сатри “бошқа даромадлар – жами” да ҳам 20999 минг сўм мавжуд. Бу икки ҳисобот шаклининг мазкур графасида ҳеч қандай номувофиқлик мавжуд эмас ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар учун ишончли маълумотларни беради.

### III боб бўйича хулоса

Бугунги кунда Республикамизда фаолият юритаётган кўпгина фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини ташкил этиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар вужудга келмоқда. Шу боис ҳаққоний ва талаб даражасидаги ҳисоботларга эга бўлиш учун ҳисоб-китоблардаги мавжуд камчиликларни тугатиб уларни қонун талаблари даражасида ташкил этиш лозим.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонуннинг 7-моддасида корхона, муассаса ва ташкилотни раҳбари амалга оширади дейилган. Шу талабдан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади. Раҳбар ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўшимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эга. Молиявий ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ресурсларни бошқариш натижаларини кўрсатади.

Хўжалик раҳбари юқори фойда олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини ташкил этган вақтда молиявий ҳисоб билан биргаликда бошқарув ҳисобини ҳам ташкил этса, ахборотларни қаердан олиш ҳамда ушбу маълумотлардан режалаштириш, назорат ва бошқарув қарорларини қабул қилишда қандай фойдаланиш мумкинлиги билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Хўжалик раҳбарлари кам харажат қилиб юқори наф олишни хоҳлайдилар. Бу шубҳасиз, ахборот тизимидан фойдаланишдан олинган наф шу тизим учун қилинган харажатлардан юқори бўлиши лозим. Шундай экан, “Азизжон” фермер хўжалиги ҳам кам харажат қилиб юқори фойда олиш, учун, авваламбор бошқарув ҳисобини жорий этиб бошқарув ҳисоботларини шакллантириши лозим.

Лекин, ҳозирги кунда Республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар учун бошқарув ҳисобини юритишнинг методик қўлланмалари ҳамда ҳисобот шаклларининг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган муайян шакли мавжуд эмас. Шу боисдан бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи давлат органлари, жамоат ва профессионал ташкилотлар томонидан методик тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур. Улар асосида ҳар бир кичик тадбиркорлик субъекти ўзининг ташкилий-бошқарув ва ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб ушбу муаммоларни ҳал этиши ҳамда уни корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттириши зарур.

## Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималаштириш, ислохотлар олиб боирш натижасида йириклашиб, кўп тармоқли хўжаликларга айланмоқда. Бу эса ўз навбатида хўжаликларда ҳисоб ва ҳисобот тизимини аниқса бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли «Сегментлар бўйича ҳисобот» номли халқаро стандарти (БҲҲС)га кўра, хўжаликни сегментларга бўлганҳолда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлартайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан Кибрай тумани «Азизжон» фермер хўжалигининг ҳисоб ҳужжатлари ўрганилди.

Монографик тадқиқот объекти бўлган «Азизжон» фермер хўжалигини бухгалтерия ҳужжатлари билан танишиб қуйидаги хуласаларга келинди:

1. Хўжалик ҳисоботларида бошқа корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, молия органлари ва банк муассасалари билан бўладиган ҳисоб-китоблар тўлиқ акс эттирилган. Ҳисоботлар ҳам ўз вақтида тақдим этилган. Молиявий ҳисоботларни ўрганиб чиқиш жараёнида 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботнинг 070 сатри «Бошқа операцион харажатлар» таркибида жарима ёки пеня учун қилинган харажатлар мавжуд эмас.

2. Хўжаликида ҳисоботларнинг молиявий ва статистик ҳисоботларнигина тузишлари ва тақдим этишларини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳисоботлар хўжалик мулки таркибини ҳамда хўжалик молия натижаларини характерлашини кўришимиз мумкин. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак хўжаликда фақатгина юқоридаги ахборотлар мавжуд бўлса хўжалик раҳбарларида ички имкониятларини баҳолаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун етарли маълумотлар шаклланмайди.

3. Фермер хўжалиги раҳбари тезкор қарорлар қабул қилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини қандай тартибда шаклланаётганлигини ҳамда ишлаб чиқариш тизимини назорат қилиш мақсадида бошқарув ҳисоби ҳисоботларига муҳтожлик сезади. Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоботларининг жрий этилмаслиги эса бу жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан фаолият юритаётган кўп сегментли фермер хўжаликлари албатта бошқарув ҳисоботларини ташкил этсалар ва юритсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Хўжалик балансидаги асосий воситалар таркибидаги техникаларни билан бошқа хўжаликларга ҳам хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бу фаолият натижасида хўжаликга **36658 минг** сўм фойда олиб келишини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич эса хўжалик умумий молиявий

натижасидаги улуши 3,57 % ни ташкил этади. Хўжаликда бошқарув ҳисоботларини тузиш натижасида юқоридаги маълумотларга эга бўлдик. Агарда бошқарув ҳисоботини тузмаганимизда ҳамда хўжалик ҳисобини сегментларга бўлиб чиқмаганимизда бундай аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлмаган бўлар эдик.

5. Хўжаликда ҳар бир сегмент бўйича харажатлар ва даромадларни таҳлил қилиб кўрганимизда Донли экинларлар бўйича даромад хўжалик умумий молиявий натижасининг 2,86 % ни ташкил этмоқда. Харажатлари эса хўжалик умумий молиявий натижасининг 1 % ини ташкил этмоқда. Картошка ва сабзовотчилик сегментида эса даромад хўжалик умумий молиявий натижасининг 6,85 % ни ташкил этса харажатлари хўжалик умумий молиявий натижасининг 21,02 % ини ташкил этмоқда. Чорвачилик сегментида эса даромад хўжалик умумий молиявий натижасининг 86,72 % ни ташкил этса харажатлари хўжалик умумий молиявий натижасининг 73,12 % ини ташкил этмоқда. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики Чорвачилик сегменти билан Донли экинлар сегментларида харажатлар тўғри шаклланган. Картошка ва сабзовотчилик сегментида эса харажатларнинг нотўғри шаклланганини кўришимиз мумкин.

6. Хўжалик сатистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” билан молиявий ҳисобот 2-шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботи уйғунлаштирилди. Натижада сатистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар”даги ахборотлар молиявий натижадаги ахборотлар каби аниқ фойдаланувчи учун тушунарли қилиб берилмаган.

Тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчимиз:

1. Фермер хўжаликларининг ҳисобот бериш тизимини бундан кейин ҳам замон талабларига мос равишда янада соддалаштирилишини такомиллаштириш уларнинг ҳисобот бериш мажбуриятларини янада камайтиради ҳамда улар учун қўшимча қулайликларни яратади.

2. Ҳар бир фермер хўжаликларида бошқарув ҳисобини жорий этган ҳолда ҳисоботларни шакллантириш лозимдир.

3. Фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиққан ҳолда режа таннархи кўрсаткичлари билан ишлашни жорий этиш лозим. Айниқса, чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларида режа таннархини мавжуд эмаслиги туғилаётган бузоқ билан сут таннархини аниқлашда қийинчиликларга олиб келади.

4. Сатистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” даги 1402 сатри “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” да жумладан: ишлаб чиқариш моддий харажатлари деб берилган. Маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатлар фақатгина моддий харажатлардан иборат эмас. Улар бевосита меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш

устама харажатларидан иборатдир. Шу сабабдан мазкур сатр кенгроқ бойитилса ахборотдан фойдаланувчи учун ноаниқлик мавжуд бўлмайди.

5. Сатистика ҳисоботининг XIV бўлим “Асосий молиявий кўрсаткичлар” да Маълумот учун 1402 ва 1404 сатрлардан деб 1406 сатр ижара тўловини берган, 1407 сатр банк хизмати, депозитарий, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматига тўловлар, 1408 сатр асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси ҳамда 1409 сатр ижтимоий суғуртага ажратмалар берилган. Бу сатрлар умумий берилганлиги сабабли ҳар бир сатрни маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатлар ва маҳсулот таннархига боғлиқ бўлмаган харажатлар сифатида ажратиб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: “Адолат”, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Расмий нашр. -Т.: “Адолат”, 2008. -692 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №23. –Т.: “Адолат”, 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2004 йил 26 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қон уни. –Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, Т:2004№1-6

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари,**

##### **Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, 1999.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, -№12.
8. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. –Т.: “Норма” МЧЖ, 2006 й. -352 б.

9. “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” БҲМС №21. –Т.: “Норма” МЧЖ, 2001 й.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -517 б.

11. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. -62 б.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. -56 б.

14. «Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси»

15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. -36 б.

16. Каримов И.А. “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. Халқ сўзи, 2012 йил 23 октябрь. №208 (5628)
17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т: “Халқ сўзи” газетаси, 2012.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

18. Алборов Р.А. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика). -М.: издательство «Дело и сервис», 2005. -224 с.
19. Волкова О.Н. Управленческий учет. –М.: ТК Велби, издательство «Проспект», 2005. -192 с.
20. Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика. Монография.-М.: Финансы и статистика, 2002.-352 с.
21. Гадоев Э.Ф. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 1999 йил 2-сон.
22. Друри К. Управленческий и производственный учет: пер. с англ. -6-е изд. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -142 с.
23. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси. Русчадан муаллифлаштирилган таржима. -Т.: 2001. -152 б.
24. Карпова Т.П. Управленческий учет. Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ, 2002. -350 с.
25. Керимов В.Э. Управленческий учет: практикум. -3-е изд. -М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. -100 с
26. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебные пособие. 2-е изд. -М.: Инфра-М, 2008. -412 с
27. Котляров С.А. Управление затратами. Спб: Питер, 2001. 160 с.

28. Ларионов А.Д. Бухгалтерский учет. Учебник. -М.: Проспект, 1999. - 392 с
29. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва амалиёт.-Т.: «Молия» нашриёти, 2003.-248 б
30. Шеремет А.Д. Управленческий учет. -М.:ФБК-ПРЕСС, 2000. -512 с.
31. Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: 2007. -364 б.
32. Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: 2007. -364 б.
33. Ибрагимов А.К. ва б. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. -444 б.
34. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие. -М.: ЗАО «Финстатинформ», 2002.-528 с.
35. Безруких П.С. Бухгалтерский учет. – М.: Бухгалтерский учет, 2000
36. Николаева О.Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: УРСС, 2001
37. Соколов Я.В.Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2000.
38. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 2003
39. Дўсмуратов Р.Д.Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2007.
40. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999
41. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. -358 б
42. Нидлз Б., АндерсонХ., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учёта. – М.: Финансы и статистика, 1994
43. Камышанов П.И., Камышанов А.П., Камышанов Л.И. Практическое пособие по бухгалтерскому учету. –М.: Элиста АПП «Джангар», 2001.
44. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. –М.: ИДФБК – ПРЕСС, 2001.
45. Ибрагимов А., Очиллов И., Кўзиёв И., Ризаев Н.Молиявий ва бошқарув ҳисоби. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008

46. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2005
47. Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари: и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004.
48. Тўлахўжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1996.
49. Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004
50. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004.
51. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: «Молия», 2002
52. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил.;– Т.: «Шарқ», 2002
53. Гадоев Э.Ф., Ҳасанов Н., Югай Л.П. Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1996.
54. Сотиболдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. – Т.: 2002
55. Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.Ў. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби; услубиёт ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2008. -148 б.
56. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. Бошқарув ҳисоби асослари. - Т.: 2001. - 152 б.
57. Машарипов О., Машарипова Н. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби (ўқув кўлланма). –Т.: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2001. -143 б.
58. Очиллов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув кўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. -488 б.
59. Ҳасанов Б.А., Ҳашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. -260 б
60. Ҳасанов Б.А., Ҳашимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш: (ўқув кўлланма).-Т.: Ўқитувчи, 2004.-100 б.
61. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. -592 б.

## VI. Даврий нашрлар, статитик тўпламлар ва ҳисоботлар

62. Абдувоҳидов Ф. Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини такомиллаштиришда ҳисоб сиёсатининг ўрни // Иқтисодиёт ва таълим. –Т.: 2007. -№2. –Б. 108-112.
63. Абдуғаниев А. Бошқарув ҳисобини шакллантириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2002. -№11. –Б. 8-9.
64. Абдуллаев А. Управленческий аспекты учета сельском хозяйстве // Экономика и статистика. –М.: 1997. -№10.
65. Дўсмуратов Р.Д., Менглиқулов Б.Ю. Харажатларни ҳисобини такомиллаштириш усули // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент, 2001. -№1-2. –Б. 22-23.
66. Дўсмуратов Р.Д. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби (оддий, содалаштирилган шакл) // Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2008. -№8. –Б. 30-32.
67. Жумаев И. Харажатларни бошқариш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Т.: 2009. -№6. –Б. 33.
68. Ибрагимов А., Эшнаев Б. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби муаммолари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2001.-№6. –Б. 24.
69. Ибрагимов А. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: 2007. -№2. –Б. 15-17.
70. Дўстмуротов Ғ. ва бошқалар. Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари. // Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муносабатлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2-том. –Т.: 2007. –Б. 232-234.
71. Каримов А.А. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг айрим жиҳатлари. // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики: Сборник научных трудов.-Москва, МГЭИ.2008.-С.145-147.

72. Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари. // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2002. –Б. 23-25.

73. Менгликулов Б.Ю., Болтаев А.С. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари. // “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Тошкент молия институти. 2011 йил 11 октябрь. –Б. 106-108.

74. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009-2013 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

#### **VII. Интернет сайтлари**

[http // www.mf.uz](http://www.mf.uz) – (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

[http // www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) – (Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси).

[http //www.norma.uz](http://www.norma.uz) – (“NORMA-HAMKOR” МЧЖ).